

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УКД 657.6

«Ҳимояга қўйилади»
Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
кафедраси мудири, и.ф.д., проф.
Уразов К.Б. _____
« ____ » _____ 2014 йил

Шарофжонов Мухамматжон Шарофжонович

**АВТОМОБИЛЛАРГА ЁҚИЛҒИ ҚУЙИШ БИЛАН
ШУЎУЛЛАНУВЧИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Самарқанд вилоятидаги корхоналар мисолида)**

5A230902 - "АУДИТ" мутахассислиги бўйича магистр академик
даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий рахбар: и.ф.д., проф. К.Б. Уразов

САМАРҚАНД - 2014

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-боб. АВТОМОБИЛЛАРГА ЁҚИЛҒИ ҚУЙИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КОРХОЛНАЛАР ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг аудит субъектлари сифатидаги тавсифи.....	9
1.2. Автомобилга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти аудитининг турлари, мақсади ва вазифалари.....	9
2-боб. АВТОМОБИЛЛАРГА ЁҚИЛҒИ ҚУЙИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ	
2.1. Автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти аудитининг ташкилий асослари.....	19
2.2. Автомобилга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти аудитининг ахборот таъминоти	24
3-боб. АВТОМОБИЛЛАРГА ЁҚИЛҒИ ҚУЙИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	
3.1. Автомобил ёқилғиларини қуйиш билан шуғулланувчи субъектларда товар операцияларининг аудити.....	31
3.2. АЁҚШларда даромадлар аудити.....	37
3.3. АЁҚШларда солиқлар аудити.....	42
3.4. АЁҚШлар фаолияти самарадорлиги аудити ва уни ошириш бўйича аудиторлик тавсиялари.....	
3.5. АЁҚШларда ҳаёт ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.	55
ХУЛОСА.....	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	74
ИЛОВАЛАР.....	78

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги ҳиссасини ошириб бориш устувор вазифалардан ҳисобланади. Республикамиз Президенти Илом Каримов мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуйидагиларни таъкидладилар: «Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта рол ўйнамоқда.... 2013 йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди.

Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб бораёпти, деб айтишга асос беради»¹.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлардан бири бўлиб автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар ҳисобланади. Уларнинг асосий мақсади йилдан йилга автомобиллари сони борган сари кўпайиб бораётган аҳолига ва корхоналарга автомобил ёқилғилари (бензин, солярка, керосин, сиқилган ва

¹ Каримов И.А. «2014 йил – юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади». Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йил мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

суюлтирилган газ) ва ёғлаш мойларини сотиш ҳамда бошқа техник сервис хизматларни кўрсатиш ҳисобланади. Ушбу турдаги корхоналар ўзига хос савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда, мос равишдаги, солиқ тўловчилари ҳамдир. Улар ўз фаолиятида савдо тартибларини, лицензиялаштириш ва лицензия талабларини қатъий амалга оширишлари, фаолияти кўрсаткичларини солиқ тўлаш нуқтаи назаридан алоҳида-алоҳида юритиши лозим бўлган корхоналар ҳисобланади. Бу хусусиятлар уларни ўзига хос ҳисоб ва аудит субъектлари сифатида ҳам тавсифлайди.

Президентимиз томонидан 2014 йил учун белгиланган ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларига бевосита тегишли бўлган вазифаларни тўлиқ ва беками-кўст бажарилиши бунга имкон берувчи барча дастаклар ҳамда воситаларни, чунончи аудиторлик хизматларини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда аудиторлик фаолиятининг мавқеини янада ошириш керак»².

Автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектларнинг ўзига хос хусусиятлари улар фаолияти аудитига ҳам ўзи хос ёндашишни тақозо этади. Бу масалаларни етарлича ўрганилмаганлиги танланган мавзунинг долзарблигидан дарак беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий мамлакатларда ва республикамизда аудитнинг назарий, ташкилий ва методологик масалалари яхлит тарзда турли олимлар, чунончи Э.А.Аренс, Дж.К. Лоббек, Камышанов П.И., Подольский А. В, Абдуллаев Р.А., Дўстмуродов Р.Д., Мусаев Х.Н., Санаев Н.С., Тулаходжаева М.М., Уразов К.Б. ва бошқа олимлар қаламига мансуб ишларда ўз аксини топган. Бироқ, ушбу олимлар томонидан чоп этилган ишларда автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти аудити хусусиятлари махсус ёритилмаган. Шунингдек, автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектларда ҳисоб ва

² Каримов И. А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш - тараққиёт гарови. // «Туркистон» газетаси, 2001 йил 18 июль.

хисобот масалалари ҳам адабиётларда, шунингдек амалда бўлган миллий стандартларда атрофлича очиб берилмаган. Булар, маълум даражада, автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ўтказишда ҳам айрим муаммоларни туғдирмоқда. Юқоридагиларнинг барчаси автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларнинг асосий йўналишларини, шунингдек магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Мавзунинг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Танланган мавзу Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларнинг истиқболли режасига мос келади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертацияси ишининг асосий мақсади автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти аудитининг назарий, методологик ва ташкилий муаммоларини тадқиқ этиш ҳамда ушбу муаммоларни ҳал қилишга доир илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун магистрлик диссертацияси олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектларнинг аудит субъектлари сифатидаги таснифий асосларини ишлаб чиқиш;
- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти асосий кўрсаткичларининг аудит объектлари сифатидаги хусусиятларини асослаш;
- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектларда аудитнинг мақсади, вазифалари, тамойиллари ва усулларини белгилаш;
- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини аудит кўригидан ўтказиш режаси ва дастурини ишлаб чиқиш;

- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини аудит кўригидан ўтказишда бош манба бўлган ҳисоб ва ҳисоботни такомиллаштириш йўналишларини асослаш;

- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектларида товар операциялари, кўрсатилаётган хизматлар, молиявий натижалар, солиқ ва тўловларни аудити услубиятини асослаш;

- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти аудит текшируви натижаларини умумлаштириш, расмийлаштириш ва уларни тадбиқ этиш йўллари кўрсатиб бериш.

Изланишлар объекти ва предмети. Изланишлар объекти бўлиб Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларида фаолият юритаётган автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлар, чунончи АЁҚШлар «Усмон Петрол», «Булунгур Газ Сервис», «Шарофат Булунгур Омад Файз», «ЯхшиМитангаз», «ЎзГазОЙЛ», «ТехноГазОЙЛ», «Рақобат» ва ҳисобланади. Бундай корхоналар сони бугунги кунда мингга яқиндир. Изланишлар предмети автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти аудитининг назарий, ташкилий ва услубий масалалари ташкил қилади.

Ишнинг методологик асослари. Ишнинг методологик асосларини республикамих қонунлари, Президентимиз фармонлари, қарорлари, асарлари ва маърузалари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид миллий стандартлар, Низомлар, йўриқномалар, хорижда ва республикамизда чоп қилинган илмий ишлар, дарсликлар ва қўлланмалар, илмий мақолалар, интернет тармоғи материаллари ҳамда корхоналарнинг амалий материаллари ташкил этади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлари фаолияти аудитининг назарий асослари, чунончи ушбу турдаги корхоналар ва улар фаолиятининг аудит субъектлари ва объектлари сифатидаги

хусусиятлари, ўтказиладиган аудит текшируларининг турлари, мақсади, ва вазифалари;

- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлари фаолияти аудининг ташкилий асослари ва уларда аудитнинг асосий ахборот манбаи бўлган ҳисоб ва ҳисоботни такомиллаштириш йўллари;

- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектларида товар операциялари, кўрсатилаётган хизматлар, молиявий натижалар, солиқ ва тўловларни аудит кўригидан ўтказиш услубиятини ҳамда унинг натижаларини расмийлаштириш, амалиётга тадбиқ этиш масалалари.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлари ва улар фаолиятининг аудит субъектлари ва объектлари сифатидаги хусусиятлари очиқ берилди, уларда ўтказиладиган аудитнинг турлари, мақсади ва вазифалари белгиланди;

- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлари фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш режаси ва дастури ишлаб чиқилди;

- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлари фаолияти асосий кўрсаткичларини ҳужжатлаштириш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартибларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

- автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектларида товар операциялари, кўрсатилаётган хизматлар, молиявий натижалар, солиқ ва тўловларни аудит кўригидан ўтказиш услубиятини ҳамда унинг натижаларини расмийлаштириш, амалиётга тадбиқ этишни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди

- Ишнинг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишнинг илмий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган тавсиялар автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлари фаолияти аудитининг назарий, методологик ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга имкон беради. Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган

тавсияларни жорий этилиши автомобилларга ёқилғи қўйиш билан шуғулланувчи субъектларида ҳисоб ва ҳисоботни, ички назоратни янада яхшилашга, аудиторлик ташкилотлари ва уларда фаолият юритувчи аудиторлар иш сифатини яхшилашга, улар хатарини пасайтиришга имконият яратади.

Магистрлик диссертацияси материалларидан олий таълим муассасалари ўқув режаларида кўзда тутилган “Амалий аудит», “Бухгалтерия молиявий ҳисоби”, “Солиқлар ва тўловлар аудитининг хусусиятлари” ҳамда “Бошқа тармоқларда аудитнинг хусусиятлари” фанларини ўргатишда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Натижаларни жорий қилиниши. Диссертацияда келтирилган илмий ҳулоса ва тавсиялар автомобил ёқилғилари билан савдо қилувчи “Рақобат” хусусий корхонасида, “Жавлон Аудит Сервис” аудиторлик ташкилотида, шунингдек СамИСИ томонидан ўқув жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган, жорий қилиш ишлари тегишли далолатномалар билан расмийлаштирилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Магистрлик диссертацияси мавзуси бўйича 2013 ва 2014 йилларда СамИСИда ўтказилган ҳақаро ва республика илмий – амалий анжуманларда маърузалар қилинди.

Диссертация иши “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедрасининг 2014 йил 27 майдаги илмий семинарида муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами ҳажми 1,0 босма табоқдан иборат 2 та илмий мақола чоп этилди.

Ишнинг таркиби. Магистрлик диссертацияси ўз ичига кириш, учта боб, ҳулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловаларни олади. Унинг жами ҳажми XX бет, унда ____ та жадвал, ____та чизма, 2 та диаграмма мавжуд. Диссертация ишининг илова қисмида мавзуга оид амалий материаллар келтирилган.

1-бoб. АВТОМОБИЛЛАРГА ЁҚИЛҒИ ҚУЙИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг аудит субъектлари сифатидаги тавсифи

Бозор муносабатларига ўтиш республикамизда собиқ совет тизимида мавжуд бўлмаган тадйоркорлик фаолияти турларини ва улар билан шуғулланувчи субъектларни вужудга келтирди. Шундай тадбиркорлик фаолияти турларидан бири бўлиб автомобил ёқилғилари билан савдо қилиш ҳисобланади. Ушбу товарларни аҳолига ва корхоналарга етказиб берувчи субъектлар бўлиб хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи турли ташкилий-ҳуқуқий мақомдаги автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчалари (АЁҚШ)лар ҳисобланади.

Бугунги кунда республикамизда минглаб АЁҚШлар мавжуд. Уларни турли белгилари бўйича тавсифлаш мумкин.

Мулкӣй шакли ва юридик мақомига кўра автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар очик акциядорлик жамиятлари (ОАЖ), масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ), хусусий корхоналар (фирмалар) ва давлат унитар корхоналари бўлиши мумкин. Ушбу мақомдаги кўра автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар ва улар фаолиятини юритиш республикамизда бу турдаги хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари, шунингдек ушбу ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Номланишига кўра ҳам кўра автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар турличадир. АЁҚШ абвиатураси бу турдаги корхоналарнинг барчасига тегишли ва умумий ҳолда ишлатилади. Бирок ушбу абвиатура уларнинг номини билдирмайди. АЁҚШларнинг аниқ номида кўпинча ёқилғи турига хос сўз бирикмалари ишлатилади. Масалан, биз ўрганган АЁҚШлар «Усмон Петрол», «Булунгур Газ Сервис», «Шарофат

Булунгур Омад Файз», «ЯхшиМитангаз», «ЎзГазОЙЛ», «ТехноГазОЙЛ», «Рақобат» ва бошқа ўзига хос номларга эга.

Ихтисослашганлигига кўра автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар махсус ва универсал корхоналар бўлиб ҳисобланади. Масалан, фақат газ, фақат бензин, фақат дизель ёқилғиси, фақат ёғлаш материаллари, шунингдек уларни барчасини бир вақтда сотувчи ҳамда автомобилларга турли қўшимча сервис хизматларни кўрсатувчи АЁҚШлар мавжуд.

Ходимларининг сонига кўра автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар микрофирмалар, кичик корхоналар, ўрта ва йирик корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг қонун ҳужжатларига кўра автомобил ёқилғиларини сотиш соҳасида микрофирмалар бўлиб ходимларининг сони 5 тагача, кичик корхоналар бўлиб ходимларининг сони 20 тагача бўлган корхоналар ҳисобланади.

Таъсисчиларининг таркибига кўра автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналарни маҳаллий ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга, шунингдек якка таъсисчига ҳамда 2 ва ундан кўп бўлган таъсисчиларга эга бўлган корхоналарга бўлиш мумкин. Чунончи, хусусий корхона мақомидаги АЁҚШнинг таъсисчиси ягона жисмоний шахсдан, МЧЖ шаклидаги АЁҚШларнинг таъсисчилари сони эса камида 2 та, бироқ 50 тадан ошмаслиги керак.

Автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар бир-биридан устав капитали миқдори билан ҳам фарқланади. Чунончи, хорижий инвестициялар иштирокидаги автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар устав капиталининг миқдори энг камида 150000 АҚШ доллари миқдоридан кам бўлмаслиги лозим. Ушбу устав капитали миқдори маҳаллий ва хорижий таъсисчилар маблағларидан ташкил топади. Хусусий корхоналар мақомидаги АЁҚШлар устав капитали камида 10 МИҲ, МЧЖ шаклитдаги АЁҚШлар устав капитали эса камида 40 МИҲдан кам бўлмаслиги керак. Автомобиллар ёқилғиларини улгуржи сотиш билан

шуғулланувчи АЁҚШларнинг устав капитали 3500 МИХдан кам бўлмаслиги лозим.

Танлаган солиқ режимига кўра автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналари умумбелгиланган ва ихчамлаштирилган солиқ режимларида ишловчи корхоналарга бўлинади. Республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ микрофирма ва кичик корхоналар ҳисобланган автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар ихчамлаштирилган солиқ тўловлари режимида ишлари мумкин. Йирик ва ўрта автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар умумбелгиланган солиқларни тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти республикамизнинг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ асосий ва асосий бўлмаган фаолият турларига бўлинади. Асосий фаолиятга автомобиль ёқилғиларини чакана ва улгуржи сотиш, автомобилларга турли техник сервис хизматларни кўрсатиш киради. Асосий бўлмаган фаолиятга қурилиш молиявий, инвестиция ва бошқа фаолият турлари киради.

Автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар асосий фаолиятига қирувчи чакана ва улгуржи савдо ҳамда автомобилларга техник ва сервис хизматларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Автомобиллар ёқилғилари билан чакана савдо деганда уларни аҳолига нақд пулга ва пластик карточкалар орқали сотиш тушунилади.

Автомобиллар ёқилғилари билан улгуржи савдо деганда уларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларга пул кўчириш йўли билан ёки уларнинг корпоратив карточкалари орқали тўлов асосида сотиш тушунилади. Бундай савдо ҳуқуқи барча АЁҚШларга берилмаган. Автомобилларга ёқилғиларни улгуржи сотиш билан махсус лицензияга эга бўлган корхоналар шуғулланадилар.

Автомобиллар ёқилғилари билан чакана ва улгуржи қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган қатъий чакана

нархларда амалга оширилади. Автомобил ёқилғиларининг бундай қатъий чакана нархлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

$$\text{Чакана нарх} = \text{Сотиш нархи} + \text{Ёқилғи истеъмоли учун солиқ}$$

Автомобиль ёқилғиларининг бир бирлиги учун белгиланган чакана нархлар уларнинг турлари бўйича охириги йилларнинг бошига қуйидагича белгиланган.

1-жадвал

**Автомобил ёқилғилари бўйича чакана сотиш нархлари
(сўмда)**

№	Ёқилғи тури	2012	2013	2014
1	A-80	1510	1645	2005
2	A-91	1690	1810	2210
3	A-95	1735	1945	2435
4	Солярка	1510	1645	1975
5	Эко солярка	1590	1800	2050
6	Суюлтирилган газ	900	1000	1700
7	Сиқилган газ	600	700	900
8	Афтол	3000	3000	3500
9	Солидол	3000	3000	3500

Барча турдаги АЁҚШлар хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи субъектлар ҳисобланади. Улар асосий фаолияти ҳисобланган автомобил ёқилғиларини сотишдан даромад оладилар. Ушбу даромадни олиш учун АЁҚШлар тегишли харажатларни амалга оширадилар, шунингдек давлатимизнинг солиқ қонунчилигида белгиланган солиқларни тўлайдилар. Даромад ва харажатлар ҳамда ҳисобланган солиқлар ўртасидаги фарк АЁҚШларнинг соф фойдасини билдиради.

Автомобилар ёқилғилари билан савдо қилувчи субъектлар туман (шаҳар) ҳокимликларининг «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш Инспекцияси» томонидан рўйхатга олинади. Автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчасини очиш учун корхоналарга маҳаллий

хокимликларнинг қарори асосида махсус ер участкалари ажратилади. Ушбу жойларда АЁҚШларини ташкил этишга рухсат этилади.

АЁҚШлар махсус жиҳозлаштиришни талаб этади. Бундай жиҳозлар сирасига қуйидагилар киради:

- *автомобиль ёқилғиларини сақлаш жиҳозлари – ер ости ва ер устидаги махсус назоратдан ўтувчи цистерналар;

- * ёқилғиларни автомобилларга қуйиш жиҳозлари – электрон автоматлар;

- * усти ёпиб айвонлар;

- *автомобиль ёқилғиларини цистерналарга ва автомобилларга қуйишни бошқариш пункти;

- * касса хонаси ёки хоначалари;

- *автомобилларни киритиш ва чиқариш йўлчалари, уларни регулировка қилувчи панжаралар ва бошқалар.

Автомобиль ёқилғилар билан савдо қилиш махсус лицензия талаб қиладиган фаолият ҳисобланади. АёҚШлар махсус лицензия олмасдан туриб автомобил ёқилғилари савдоси билан шуғулланишлари мумкин эмас. Бундай лицензия уларга Вазирлар Маҳкамаси томонидан лицензия талаблари тўлиқ бажарилган ҳолда берилади.

Асосий лицензия талаблари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- *махсус талабларга жавоб берадиган ва техник, ёнғин ва бошқа инспекцион органлар томонидан фойдаланишга яроқли деб топилган моддий-техника базасининг бўлиши;

- *ўт ўчириш ускуналарининг тўлиқ мавжудлиги,

- *кириш-чиқиш йўлчаларининг талабларга жавоб бериши;

- *сақлаш, қуйиш асбоб-ускуналарининг мавжудлиги ва яроқлилиги ва бошқалар.

АёҚШлар асосий фаолиятининг муҳим турлари бўлиб автомобилларга эҳтиёт қисмларни сотиш ва уларга турли сервис хизматларни кўрсатиш ҳам ҳисобланади.

АЁҚШларда автомобилларга эҳтиёт қисмларни сотиш унинг ҳудудида очилган махсус савдо шаҳобчаси (магазин) орқали нақд пулга, пластик карточка орқали ёки пул кўчириш орқали амалга оширилади. Эҳтиёт қисмлар билан чакана ва улгуржи сотишни амалга оширишда умумбелгиланган тартибларга риоя қилиниши талаб этилади.

АЁҚШларда автомобилларга кўрсатиладиган сервис хизматлар характериға кўра техник мураккаб ва техник мураккаб бўлмаган хизматларға бўлинади.

Техник мураккаб бўлмаган хизматлар сирасига қуйидагилар киради:

- ювиш ва тозалаш;
- мой алмаштириш
- айрим эҳтиёт қисмларни алмаштириш
- жорий таъмирлаш
- бошқалар

Ушбу турдаги сервис хизматлар кўп вақт талаб қилмайдиган хизматлар ҳисобланади.

Техник мураккаб бўлган хизматлар сирасига қуйидагилар киради:

- маторни қайта териш;
- капотни алмаштириш;
- салонни тузаш;
- сигнализация қўйиш;
- газда ишлашға жиҳозлаш;
- юриш қисмларни алмаштириш;
- Бошқа позицияға ўтказиш;
- Ранглаш;
- Бошқалар.

Ушбу турдаги сервис хизматлар кўп вақт талаб қиладиган хизматлар ҳисобланади.

Юқоридагиларнинг барчаси автомобиль ёқилғиларини қуйиш билан билан шуғулланувчи корхоналарни аудитнинг ўзига хос субъектларидан бири эканлигидан дарак беради.

1.2. Автомобилга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи субъектлар фаолияти аудитининг турлари, мақсади ва вазифалари

Бозор муносабатлари шароитида барча хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан автомобилга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар молиявий ҳисоботларини ҳолис текширувдан ўтқазиш, уларнинг реаллигини эксперт қилиш, шу асосда молиявий ҳисоботга ҳолис ҳулоса бериш, шунингдек мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича касбий маслаҳатларни бериш, ҳисоб-китобларни тиклаш ва юритиб бериш, бизнес режа ва солиқ декларацияларини тузиб бериш заруратлари туғилди. Айнан ушбу заруратлар бозор иқтисодиёти йўлини танлаган республикамізда молиявий назоратнинг бир тури бўлган аудитни, махсус аудиторлик фаолияти билан шуғулланувчи аудиторлик ташкилотларини вужудга келишига сабаб бўлди.

Аудит ва аудиторлик фаолияти тушунчаларининг моҳияти қонун ҳужжатларида ва адабиётларда атрофлича очиб берилган. Чунончи, республикамізнинг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» қонуни (2-модда) га мувофиқ: «Аудиторлик фаолияти деганда аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтқазиш ва бошқа шу билан боғлиқ профессионал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти тушунилади»³.

Адабиётларда аудитга қуйидагича таърифлар берилган.

«Аудит - бу мустақил малакали мутахассислар томонидан корхонанинг молиявий ҳисоботини ёки у билан боғлиқ молиявий ахборотни, бу ҳисобот

³ Ўзбекистон Республикаси қонуни «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», 2002 йил 25 майда қабул қилинган.

ёки ахборотнинг қонун ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлик даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мақсадида тадқиқ этилиши»⁴.

«Аудит (auditing) –бу дахлсиз компетент ходим томонидан ахборотларни белгиланган мезонларга мослигини аниқлаш ва ҳолисона хулоса бериши мақсадида ҳўжалик тизими тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва баҳолаш жараёни»⁵

«Аудит – бу муайян ваколатлар берилган шахслар, яъни аудиторлар томонидан ҳўжалик юритаётган субъектлар фаолиятларининг республикада қабул қилинган қонун-қоидаларга мувофиқлигини текшириш йўли билан баҳолаш ва ҳолисона хулосалар беришдир»⁶

«Аудитни яхлит тизим сифатида қараш, аудиторлик фаолиятини эса ушбу тизимнинг амалий тадбири деб қараш мақсадга мувофиқ. Тизим сифатида аудит жамият миқёсида мавжуд бўлади. Яхлит тизимни ташкил этувчи аудитни ички ва ташқи аудитга бўлиш мумкин. Ички аудит иқтисодиётнинг қўйи бўғини бўлган ҳўжалик юритувчи субъектларда ички назорат воситаси ҳисобланади. Ташқи аудит давлат ва ҳўжалик юритувчи субъектлар манфаатлари нуқтаи назаридан мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан ўтқазиладиган назорат воситаси ҳисобланади. Ташқи аудит давлат томонидан меъёрий ҳужжатлар асосида тартибга солинади. Жумладан, бизнинг республикамизда ташқи аудитни бошқариш, унга методологик раҳбарликни олиб бориш, аудитни ўтқизиш тартиб-қоидаларини акс эттирувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, амалиётга ушбу ҳужжатларни жорий қилиш, уларга амал қилинаётганлигини назорат қилиш, ушбу тизим ходимларини ўқитиш ва сертификатлаш, малакасини ошириш, аттестация қилиш Молия Вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Аудиторлик фаолияти махсус аудиторлик ташкилотининг бошқа юридик шахсларга кўрсатаётган хизматларининг мажмуаси, шунингдек

⁴ Тўлахўжаева М.М. Молиявий аҳволнинг аудити. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, Тошкент, 1996, 94-бет.

⁵ Э.А.Аренс., Дж.К. Лоббек. Аудит. - М, Финансы и статистика, 1995, стр.7

⁶ Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик, «Молия» нашриёти, Тошкент, 2003, 18-бет.

хўжалик юритувчи субъектнинг махсус бўлимлари ёки ходимларининг тасдиқланган Низомларга кўра юритаётган иш фаолияти ҳисобланади. Аудиторлик ташкилотларининг бундай фаолиятлари шартномалар асосида амалга оширилганлиги учун ҳам у тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг махсус аудит бўлими ёки ички аудиторларининг тасдиқланган Низомларга кўра юритаётган иш фаолияти тадбиркордик фаолияти ҳисобланмайди, балким уларнинг касбий ишлари ҳисобланади⁷.

Аудит ва аудиторлик фаолиятининг асосий тури бўлиб аудиторлик текширувлари ҳисобланади. Бундай текширишлар республикамизнинг аудитрлик фаолияти тўғрисида қонунига мувофиқ мажбурий ва ташаббусли турларга бўлинади.

Мажбурий аудит - бу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобот йили якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни реаллигини билиш мақсадида ўтказиладиган аудитдир. Республикамизнинг аудиторлик фаолияти тўғрисида қонунига (10-модда) мувофиқ қуйидаги ташкилотлар ҳар йили мажбурий аудитдан ўтишлари шарт:

- акционерлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит берувчи ташкилотлар;
- суғурта ташкилотлари;
- юридик ва жисмоний шахслар маблағларини тўпловчи инвестиция ва бошқа фондлар, уларнинг бошқарувчи компаниялари;
- маблағлари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ҳисобидан шаклланадиган хайрия ва бошқа ижтимоий фондлар;
- маблағларининг ташкил топиш манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг қонунларда кнзда тутилган мажбурий ажратмаларидан иборат бўлган бюджетдан ташқари фондлар;
- устав фондида давлат улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

⁷ Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. – Т.: Ўқитувчи, 2004., 253-б.

Ташаббусли аудит - бу хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ташаббуси билан ўтказиладиган аудитдир. Бундай аудитнинг буюртмачилари бўлиб хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзлари, уларнинг инвесторлари, таъсисчилари, акционерлари, шунингдек очилган жинойй ишларни якунлаш мақсадида аудитни тайинлаган ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва бошқа назорат органлари (прокуратура, суд, ички ишлар органлари, солиқ қонунчилигини бузилишига қарши курашиш департаментлари) ҳисобланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, аудит ва аудиторлик фаолияти бевосита хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан молиявий назоратни олиб бориш воситаси ҳисобланади. Бу воситалар бевосита автомобиль ёқилғилари савдоси билан шуғулланувчи субъектларга ҳам тегишлидир. Бу турдаги корхоналар асосан хусусий корхоналар бўлганлиги сабабли мажбурий аудит субъектлари ҳисобланмайди. Улар ўзларида хохиш-иродага ва бошқа мақсадларда ташаббусли аудит ўтказишлари мумкин.

Автомобилга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналарда ўтазиладиган ташаббусли аудит ўтказишнинг асосий мақсадлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ҳисоб ва ҳисоботни юритишда республикамиз қонунчиликларига амал қилинаётганлик тўғрисида ташқи холис аудиторларнинг хулосасини олиш;
2. Корхонада республикамиз солиқ қонунчиликлари талабларига амал қилинаётганликка иқрор ҳосил қилиш;
3. Юз бераётган молиявий-хўжалик операцияларини амалдаги қонунларга зид эмаслигига иқрор бўлиш;
4. Мавжуд камчиликларни ўз вақтида тузатишга эришиш;
5. Корхона инвесторларининг иқтисодий манфаатларини, яъни фойда олишга эришишлари кафолатларини ҳимоя қилиш ва бошқалар.

Айнан юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб, АЁҚШлар ўзлари фаолиятини ташаббусли аудиторлик текширувларидан ўтказиш бўйича холис аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича шартномалар тузмоқдалар, улар олдига тегишли вазифаларни ҳам қўймоқдалар.

АЁҚШларда ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг асосий вазифалари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- шартномаларда кўрсатилган шартларга кўра комплекс ёки тематик аудитни ўтказиш;
- текширув объектлари бўйича ҳаракатдаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинганлиқни аниқлаш, мавжуд камчиликларни очиқ бериш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳолатини баҳолаш ва унга ҳулоса бериш;
- мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсияларни бериш;
- корхона раҳбарияти ва ходимларига ҳисобни юритиш, уни тиклаш, солиқ декларацияларини тузиш, мавжуд камчиликларни бартараф қилишда амалий ёрдам кўрсатиш;
- корхона фаолияти самарадорлигини ошириш учун амалга оширилиши лозим чора-тадбирларни белгилаш, ички резервларни ишга тушириш йўллари кўрсатиш ва бошқалар.

2-бoб. АВТОМОБИЛЛАРГА ЁҚИЛҒИ ҚУЙИШ БИЛАН ШУЎУЛЛАНУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ ВА АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ

2.1. Автомобилларга ёқилғи қуйиш билан шуўулланувчи корхоналар фаолияти аудитининг ташкилий асослари

Аудитнинг ташкилий асослари адабиётларда атрофлича ёритилган. Уларда аудитнинг ташкилий босқичлари, бу босқичларда бажариладиган ишлар, аудиторлик иш ҳужжатлари ва бошқа тартиблар келтирилган. Ушбу умумқабул қилинган тартиб-қоидалар бевосита автомобил ёқилғилари билан савдо қилувчи корхоналарда ўтказиладиган аудиторлик текширувларига ҳам тегишлидир.

Автомобил ёқилғилари билан савдо қилувчи корхоналарда бошқа хўжалик юритувчи субъектлардаги сингари аудиторлик текширувларини тўртта босқичга ажратиш мақсадга мувофиқ. Ушбу босқичлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Автомобил ёқилғилари билан савдо қилувчи корхоналарда аудиторлик текширувларини ўтказиш босқичлари

Босқич	Босқичнинг номи ва унда амалга ошириладиган ишлар
1-босқич. Аудиторлик текширувини режалаштириш босқичи.	Ушбу босқичда аудиторлик текширувини ўтказувчи субъектнинг ёзма буюртмаси қабул қилинади; унинг ҳисоб ва ҳисоботи дастлабки ҳолати ўрганилади, улар бўйича иш ҳажми ва қиймати, аудиторлик хатарининг даражаси белгиланади; аудиторлик текширувини ўтказувчи субъект номига молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувини ўтказиш мажбуриятини олиш тўғрисида розилик хати тайёрланади, ушбу хатда аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича шартлар, жумладан аудиторлик хатари даражаси, иш ҳажми ва қиймати, кўрсатилади; аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида шартнома тузилади; аудиторлик текшируви режаси ва дастури тузилади, аудиторларнинг функционал мажбуриятлари белгиланади.
2-босқич. Аудиторлик текширувини ўтказиш босқичи	Бу босқичда тасдиқланган дастурга мувофиқ корхона молиявий хўжалик фаолияти режа ва дастурга асосан аудиторлик текширувидан ўтказилади
3-босқич.	Бу босқичда аудиторлик текширувида аниқланган исботу –далилар

Аудиторлик текшируви натижаларини жамлаш ва расмийлаштириш босқичи.	(маълумотлар) таҳлилий жадваллар кўринишида жамланади. Барча исботу-далиллар (маълумотлар жамлангач, ёзма аудиторлик ҳисоботи тайёрланади. Аудиторлик ҳисоботида барча камчиликлар кўрсатилади ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар берилади.
4-босқич. Аудиторлик текшируви натижаларини тадбиқ этиш босқичи.	Ушбу босқичда молиявий –хўжалик фаолияти аудиторлик текширувида аниқланган фактлар муҳокама этилади, мавжуд камчиликлар ва четланишлар бўйича тузатишлар, қайта ҳисоб-китоблар амалга оширилади. Тузатилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси берилади.

Таъкидлаш жоизки, автомобиль ёқилғилари билан савдо қилувчи корхоналар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишда уларнинг хусусиятлари эътиборга олиниб тузилган аудиторлик текширувлари режаси ва дастури ўта муҳим аҳамият касб этади.

Аудиторлик текширувлари режаси деганда, одатда, аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича тузилган иш режаси тушунилади. Бу режа автомобиль ёқилғилари билан савдо қилувчи корхона раҳбарияти талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилиши, келишилган бўлиши ва тасдиқланган бўлиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, республикамізда бевосита автомобиль ёқилғилари билан савдо қилувчи корхоналар фаолиятининг аудиторлик текшируви режаси махсус белгиланмаган. Ушбу дастакнинг муҳим аҳамиятга моликлигидан келиб чиқиб, биз автомобиль ёқилғилари билан савдо қилувчи корхоналар фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказишда «Комил-Ишонч» аудиторлик ташкилотида қўлланилаётган иш режасини ўргандик. Ушбу аудиторлик текшируви режаси 2-жадвалда келтирилган.

Аудиторлик текшируви режасини тузишда ушбу аудиторлик ташкилотида қуйидаги мезонларга таянилган.

Аудиторлик текшируви учун жами 15 кун ажратилган ва бу асосий иш ҳажмининг 90% ни ташкил этади. Аудиторларнинг фикрича, АёҚШ молиявий-хўжалик фаолиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тўғрисидаги ахборотларнинг барчаси жиддий ҳисобланади. Улар бўйича жиддийлик

даражаси ва, мос равишда, аудиторлик rischi даражаси ўртача 5-10 %дан ошиб кетмаслиги керак.

2-жадвал

Автомобиль ёқилғилари билан савдо қилувчи корхоналар фаолияти аудиторлик текшируви режаси

Текшириладиган ташкилот
Аудит даври киши-соатлар миқдори
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари
Аудиторлик гуруҳининг таркиби
Режалаштирилган аудиторлик rischi
Режалаштирилган жиддийлик даражаси

«Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖ
240 соат/киши
Бахриддинов Раҳмиддин
Бахриддинов Р, Гайимов Д
5%
10%

№	Режалаштирилган ишлар турлари	Ўтказиш даври, кун	Бажарувчи	Эслатма
1	Корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти ҳамда унинг асосий миқдор кўрсаткичлари билан танишиш, Корхона ички назорат тизимини баҳолаш. Корхона молиявий ҳолатига доир ахборотлар бўйича жиддийлик ва риск даражасини аниқлаш. Корхона молиявий-хўжалик фаолияти аудиторлик текшируви дастурини тузиш ва тасдиқлатиш	2	Бахриддинов Р	
3	Корхона молиявий-хўжалик фаолияти аудиторлик текширувини ўтказиш	10	Бахриддинов Р, Гайимов Д	
3	Корхона молиявий-хўжалик фаолияти аудиторлик текшируви якунлари бўйича ҳисоботни тайёрлаш	2	Бахриддинов Р, Гайимов Д	
4	Корхона молиявий-хўжалик фаолияти аудиторлик текшируви корхона раҳбариятига тақдим этиш, муҳокама қилиш ва тадбиқ этиш.	1	Бахриддинов Р, Гайимов Д	
	Жами	15		

Аудиторлик ташкилоти раҳбари
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари

Автомобиль ёқилғилари билан савдо қилувчи корхоналар фаолиятининг аудиторлик текширувини юқори савияда ўтказишда унинг кенг қўламли дастурининг мавжудлиги катта роль ўйнайди.

Аудиторлик дастури деганда, одатда, аудиторлик текширувлари бўйича аудиторлар томонидан бажариладиган ишлар, амаллар, муолажалар тушунилади. Корхоналарда ўтказиладиган аудиторлик текширувлари дастурининг намунавий шакли, уни тузишга қўйиладиган талаблар республикамизда амалда бўлган 3-сон АФМС «Аудитни режалаштириш» ўз аксини топган. Шу билан бирга бевосита автомобиль ёқилғилари билан савдо қилувчи корхоналар фаолиятининг аудиторлик текшируви махсус белгиланмаган ва адабиётларда ёритилмаган. Шу боис ҳам автомобиль ёқилғилари билан савдо қилувчи корхоналар фаолиятининг хусусиятлари, аудиторлик текширувлари мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, биз ушбу корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувларидан ўтказиш дастурини «Комил-Ишонч» аудиторлик ташкилоти амалиёти мисолида ўргандик. Бу аудиторлик ташкилотидида автомобиль ёқилғилари билан савдо қилувчи корхоналар фаолияти аудиторлик текширувини ўтказишда қўлланилаётган дастур 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Автомобиль ёқилғилари билан савдо қилувчи корхоналар фаолиятининг аудиторлик текшируви дастури

Текшириладиган ташкилот
Аудит даври киши-соатлар миқдори
Аудиторлик гуруҳининг раҳбари
Аудиторлик гуруҳининг таркиби
Режалаштирилган аудиторлик rischi
Режалаштирилган жиддийлик даражаси

«Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖ
160 соат/киши
Бахриддинов Раҳмиддин
Р.Бахриддинов, Д. Гайимов
5%
10%

N	Аудит бўлимлари бўйича аудиторлик тадбирлари руйхати	Ўтказиш даври, Кун	Бажарувчи	Аудиторнинг иш хужжатлари	Изохлар
1	Корхона таъсис хужжатлари ва лицензия талабларига амал қилишнинг ҳолати	1	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Таъсис хужжатлари, лицензиялар	
2	Автомобиль ёқилғилари кирими, сотилиши ва бошқа чиқимлари ҳолати	3	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Материал ҳисоботлари, кирим-чиқим хужжатлари, журнал-ордер ва Бош китоб	

3	Касса ва банк операциялари ҳолати	1	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Касса ва банк ҳужжатлари, журнал-ордерлар ва Бош китоб	
4	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳолати	2	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Шартномалар, кирим-чиқим ҳужжатлари, ишончномалар, далолатномалар, журнал-ордерлар ва бош китоб	
5	Солиқ тўловлари ҳолати	1	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Ҳисоб-китоблар, журнал-ордерлар ва бош китоб	
6	Мулкӣ ҳолат, молиявий натижалар кўрсаткичлари, фойданинг ишлатилиши ҳолати	1	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	1,2-шакл ҳисоботлар ва унга иловаалар	
7	Иш юритиш ва бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари, уларни архивлаштириш ҳолати	0,5	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Буйруқлар, шартномалар, бухгалтерия ҳужжатлари папкалари, дастурлар	
8	Корхона фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларининг ҳолати	0,5	Р.Бахриддинов, Д. Гайимов	Таҳлилий жадваллар	
	Жами	10			

Корхона раҳбари

Аудиторлик ташкилоти раҳбари
Аудиторлик гуруҳи раҳбари

2.2. Автомобилга ёқилғи қуйиш билан шуғулланувчи корхоналар фаолияти аудитининг ахборот таъминоти

АЁҚШлар фаолияти, олдинги бобда таъкидлаганимиздек, турли тумандир. Ушбу фаолиятнинг ҳар бири ўзига хос жараёнларни, операцияларни олади. Бу жараёнлар ва операциялар турлича гувоҳлик берувчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилади, турли шакл ва мазмундаги ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишни тақозо этади. АЁҚШлар томонидан

амалга оширилаётган фаолият турларидан олинаётган даромадлар турлича тан олинади, уларга қилинган сарфлар ҳам турли харажатларни ўз ичига олади. Республикамизнинг солиқ қонунчилиги ҳужжатларига мувофиқ АЁҚШлар томонидан олиб бориладиган улгуржи савдо, чакана савдо, сервис хизматлар ва бошқа фаолият турлари алоҳида бир-биридан фарқланувчи ставкалардаги ягона солиқ тўловига тортилади. Ушбу хусусиятлар АЁҚШларда аудитнинг ахборот таъминотида ҳам ўзига хос хусусиятлар борлигидан дарак беради.

АЁҚШларда бошқа корхоналар каби аудиторлик текширувлари учун асосий ахборот манбаи бўлиб бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳисобланади. Аудитни сифатли ва самарали ўтказиш учун аудиторлар АЁҚШлар фаолиятининг барча кўрсаткичлари, чунончи даромадлари, харажатлари ва якуний молиявий натижалари, улар мулки ва мулкни ташкил топиш манбалари, автомобил ёқилғиларини сотиб олиш ва сотиш, касса операциялари, таъминотчилар ва харидорлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби хусусиятларини чуқур билишлари лозим. Шу боис қуйида АЁҚШлар фаолияти хусусиятларини ифода этувчи айрим хўжалик жараёнларини ҳужжатлаштириш, ҳисоб ва ҳисоботда акс асосий фарқли жиҳатларига қисқача тўхталамиз.

АЁҚШларда товар операцияларининг ҳисоби. АЁҚШларда товар деганда сотиш учун сотиб олинган автомобиль ёқилғилари (бензин, солярка, керомин, офтол, сиқилган ва суюлтирилган газ) тушунилади. 21-сон БҲМС га мувофиқ чакана савдо корхоналарида товарлар ҳаракатининг синтетик ҳисоби 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётида олиб борилади. Ушбу счётнинг дебитида товарларнинг таъминотчилардан сотиб олиниши ва бошқа манбалар ҳисобидан кўпайиши, кредитида эса товарларнинг сотилиши ва бошқа чиқимлари акс эттирилади.

АЁҚШларда товарларни таъминотчилардан сотиб олиниши ва улар билан ҳисоб- китобларни қуйидаги усуллардан бирида олиб бориш мумкин.

1-усул. АЁҚШларга кирим қилинган товарларни бевосита 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётида ҳисобга олиш усули. Ушбу счётада товарлар узликсиз ҳисоб тизим асосида сотиш баҳоларида, яъни савдо устамалари билан биргаликда, акс эттирилади. Қиймат тамойилига мувофиқ товарларнинг сотиш баҳоларига уларни таъминотчилардан сотиб олиш баҳоларидаги қиймати, сотиб олишга доир барча қўшимча харажатлар (ташиб келтириш, брокерлик, божхона, сертификатлаш харажатлари) ва савдо устамаси киритилади.

2-усул. Товарларни сотиб олинишини махсус счётада, масалан 1510 «Товар моддий бойликларни сотиб олиниши» счётида, ҳисобга олиш усули. Ушбу счётада товарлар узликсиз ҳисоб тизимига мувофиқ сотиб олиш баҳоларида, яъни таннархи бўйича, акс эттирилади. Қиймат тамойилига мувофиқ товарларнинг таннархига уларни таъминотчилардан сотиб олиш баҳоларидаги қиймати ва сотиб олишга доир барча қўшимча харажатлар (ташиб келтириш, брокерлик, божхона ва бошқа харажатлар) киритилади. Сотиб олишга доир барча харажатлар олдин 1510 «Товар- моддий бойликларни сотиб олиниши» счётида тўпланади ва товарлар савдо шаҳобчаларига кирим қилинган, ушбу счёта 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётига ёпилади. Товарларнинг сотиб олиш қиймати устига қўйиладиган савдо устамалари алоҳида 2980 «Савдо устамалари» счётининг кредитида ва 2920 «Чакана савдодаги товарлар» счётининг дебитида акс эттирилади.

Товарлар киримининг аналитик ҳисоби моддий жавобгар шахслар (савдо шаҳобчалари мудирлари) бўйича олиб борилади.

Товарларни нақд пулга сотилишининг ҳисоби. Товарларни нақд пулга сотиш ва ундан олинган даромаднинг ҳисоби савдо пулини қаерга топширилганлигига боғлиқ. Савдо пули корхона кассасига топширилганда қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 5010 «Кассадаги пул маблағлари»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Савдо АЁҚШ мудирлари томонидан бевосита савдо пулларини инкассаторларга ёки банкнинг кассасига топширилишига кузатиш қайдномалари ва квитанциялар асосида қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

Дебет 5710 «Пул ўтказмалари», 5110 «Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари», 6810 «Қисқа муддатли банк кредитлари»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

Товарларни пластик карточкалар орқали сотилишининг ҳисоби. Товарларни пластик карточкалар орқали сотилишининг ҳисоби АЁҚШ кассаларига ўрнатилган пластик карточкалар терминаллари билан банк муассасаларида ўрнатилган компьютерлар билан бевосита боғланганлигига боғлиқ. Агар ушбу боғлиқлик мавжуд бўлса, у ҳолда пластик карточкалар орқали сотиш тўғрисидаги маълумотлар кун охирида компьютер тармоғи орқали банк муассасасига узатилади. Агар ушбу боғлиқлик мавжуд бўлмаса, у ҳолда кассага ўрнатилган терминал пластик карточкаси келишилган муддатларда банк муассасасига олиб борилади ва у ерда пластик карточка счётидан корхонанинг асосий ҳисоб рақамига ўтказилади. Товарларни пластик карточкалар сотилишига қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қилинади:

1.Товарлар пластик карточкалар орқали сотилган кунда:

Дебет 5710 «Йўлдаги пул маблағлари»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

2.Пластик карточкалар орқали амалга оширилган савдо пуллари корхонанинг ҳисоб-рақамига тушган кунда:

Дебет 5110 ««Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари»

Кредит 5710 «Йўлдаги пул маблағлари»

Товарларнинг майда улгуржи сотилишининг ҳисоби. Товарларнинг майда улгуржи сотилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзув билан акс эттирилади:

•*Келиб тушган бўнак суммасига*

Дебет 5110 «Ҳисоб- китоб счёти»

Кредит 6310 «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»

• *Сотилган товарларнинг сотиш қиймати*

Дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

Кредит 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

• *Олинган бўнакни ёпилишига*

Дебет 6310 «Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар»

Кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар»

• *Охирги тўловни келиб тушишига*

Дебет 5110 «Ҳисоб- китоб счёти»

АЁҚШлардаги товарларнинг инвентаризациясини ташкил қилиш ва ўтказиш 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил қилиш ва ўтказиш» га асосан амалга оширилади. Ўзининг характери, расмийлаштирилиши, натижаларни аниқлаш тартибига кўра чакана савдо корхоналаридаги товар-моддий бойликларнинг инвентаризацияси улгуржи савдо корхоналаридаги тартибга асосан ўхшайди, лекин қуйидаги жиҳатлари билан уларни фарқлаш мумкин.

Биринчидан, чакана савдо корхоналарида товар-моддий бойликлар инвентаризацияси АЁҚШ кассасидаги пул маблағларини санашдан бошланади. Нақд пул маблағларининг саноғи алоҳида далолатнома билан расмийлаштирилади.

Иккинчидан, пул маблағларидан кейин АЁҚШдаги товарлар санокдан ўтказилади.

Учинчидан, инвентаризация минимал муддатларда ўтказилади, чунки уни чўзилиб кетиши товар айланмасига салбий таъсир ўтказди.

Тўртинчидан, инвентаризация ўтказиш вақтида товарларни бевосита АЁҚШ кассалари орқали сотилишига йўл қўйилмайди.

Бешинчидан, товарларнинг қайта саноғи уларнинг алоҳида хусусиятлари, сақланаётган идишларининг турлари ва бошқа жиҳатлари эътиборга олиниб амалга оширилади, масалан ер ости ва ер усти

бочкаларининг ҳажми ва сиғимига қараб аниқланади, бир хилдаги товарлар сотиш баҳоларига қараб гуруҳланади.

Олтинчидан, товарлар камомоди аниқланганда табиий камайиш ҳисоб-китоби долатномалари тузилади.

Еттинчидан, инвентаризация натижасида моддий жавобгар шахс томонидан савдо пулларини тўғри ва ўз вақтида кассага топширилганлиги аниқланади.

Саккизинчидан, товарларни қайта баҳолашга доир инвентаризациялар сони чегараланмайди.

АЁҚШларида товарларнинг қайта саноғи инвентаризация рўйхати, инвентаризация натижалари эса таққаслома қайднома билан расмийлаштирилади.

АЁҚШларда товарларнинг инвентаризацияда аниқланган камомадлари, сақлаш ва сотиш жараёнида юз берган бузилишлари, синишлари, чиқиндилари, ёғоч идишларга сингиши натижасидаги йўқотишлари тузилган далолатномалар асосида ҳисобдан чиқарилади. Далолатномалар асосида аниқланган камомад ва йўқотишлар суммасига қуйидаги бухгалтерия ёзуви қилинади:

• *Жами аниқланган йўқотишлар суммасига:*

Дебет 5910 «Камомадлар ва бойликларни бузилишидан кўрилган йўқотишлар»

Кредит 2920 «Чакана савдодаги товарлар»

• *Меъёрмадаги ва меъёрдан ортиқ йўқотишлар суммасининг корхона харажатларига олиб борилишига:*

Дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар»

Кредит 5910 «Камомадлар ва бойликларни бузилишидан кўрилган йўқотишлар»

• *Меъёрдан ортиқ йўқотишлар суммасининг моддий жавобгар шахслар бўйнига қўйилишига:*

Дебет 4730 «Ходимлар билан моддий зарарлар бўйича ҳисоб –китоблар»

Кредит 5910 «Камомадлар ва бойликларни бузилишидан кўрилган йўқотишлар»

Инвентаризацияда аниқланган ортиқча суммалари АЁҚШларнинг асосий фаолиятдан олинган даромадларига олиб борилади ва унга **Дебет** 2920 «Чакана савдодаги товарлар» **Кредит»** 9390 «Бошқа операцион даромадлар» ёзуви қилинади.

3-бoб. АВТОМОБИЛЛАРГА ЁҚИЛҒИ ҚУЙИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИ АУДИТИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

3.1. Автомобил ёқилғиларини қуйиш билан шуғулланувчи субъектларда товар операцияларининг аудити

Автомобил ёқилғиларини сотиш билан шуғулланувчи субъектлар асосий фаолияти негизида товар операциялари ётади. Ушбу субъектларда товар операциялари деганда автомобиль ёқилғиларини таъминотчилардан сотиб олиш ва уларни истеъмолчиларга сотиш тушунилади. Бундан ташқари товар операциялари ўз ичига ёқилғиларни табиий камайиши, уларнинг меъёрдан ортиқ нобудгарчиликлари, инвентаризацияда аниқланган ортиқчаларни ҳам олади.

АЁҚШЛарда товар операциялари бўйича аудиторлар томонидан реаллиги тасдиқланиши лозим бўлган ҳисоб маълумотлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

*текширилаётган ҳисобот давр бошига товарларнинг миқдор ва суммадаги қолдиғи;

*ҳисобот даврда жами кирим бўлган товарларнинг миқдори ва суммаси;

*ҳисобот даврда сотилган товарларнинг миқдори ва суммаси;

*ҳисобот даврда товарларнинг меърдаги ва меъёрдан ортиқ нобудгарчиликлари миқдори ва суммаси;

*ҳисобот давр охирига товарларнинг миқдор ва суммадаги қолдиғи.

Товар операциялари аудиторлик текшируви, одатда автомобиль ёқилғиларини ҳисобот давр бошидаги миқдори ва суммасини текширишдан бошланади. Бунинг учун аудиторлар автомобиль ёқилғилари – товарлар қолдиқларини бухгалтерия баланси, бош китоб ва товар ҳисоботида кўрсатилган суммаларини ўзаро таққослашлари лозим. Ушбу маълумотларнинг ҳисобот даври бошига бир хиллиги товарлар қолдиғини ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини билдиради. Аксинча, бу

маълумотларнинг ўзаро мос эмаслиги товарлар қолдиғи бўйича ҳисоб ва ҳисобот маълумотларидан бири нотўғри эканлигидан дарак беради. Бундай ҳолатда, аудиторлик текширувида ҳисобот даври бошига ҳисоб ва ҳисобот маълумотларидаги четланишлар сабаби аниқланади ҳамда мос равишдаги тузатишларни қилиш талаб этилади. Товарларнинг ҳисобот давр бошидаги қолдиғи суммаси, одатда, уларнинг шу санага мавжуд бўлган миқдорини уларнинг сотиб олиш баҳоларига кўпайтириш орқали топилади. Демак, шундан келиб чиқиб, аудиторлар товарларнинг ҳисобот давр бошидаги миқдорини ҳамда охириги сотиб олиш баҳоларини «Товарлар ҳолати ва ҳаракати тўғрисида ҳисобот»да олдинги (ўтган) ҳисобот давридан тўғри ўтказилганлигига иқдор бўлишлари лозим.

Товарлар бош қолдиғининг миқдори ва суммаси реаллиги аниқлангандан сўнг аудиторлар товарлар киримини текширадилар. Ушбу операцияларни текшириш ўз ичига таъминотчилар билан олди-сотди шартномаларини, кирим қилинган ёқилғиларнинг миқдори, баҳоси ва сотиб олиш қийматини, уларга берилган бухгалтерия ёзувлари ҳамда бу ёзувларнинг ҳужжатли асосланганлигини, таъминотчилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳолатини ва бошқа жиҳатларни ўз ичига олади.

Автомобиль ёқилғилари бўйича АЁҚШлар учун таъминотчилар бўлиб бевосита автомобиль ёқилғиларини ишлаб чиқарувчи заводлар ва нефть маҳсулотлари билан олди-сотди қилувчи ҳудудий базалар ҳисобланади. Самарқанд вилоятида фаолият юритаётган АЁҚШлар, шу жумладан «Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖ учун асосий таъминотчилар бўлиб «Шўртан газ» ДУК, «Марақанд» ва «Нуробод» нефть базалари ҳисобланади. Автомобиль ёқилғиларини ушбу таъминотчилардан сотиб олиш улар билан тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади. Аудиторлик текширувида ушбу шартномаларнинг мавжудлиги, уларга қай даражада амал қилинганлик, бу шартномалар шартларини бажарилиш ҳолатига баҳо берилади.

Автомобиль ёқилғиларини сотиб олишни тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб счёт-фактуралар ва уларга илова қилинадиган товар-транспорт накладнойлари ҳисобланади. Счет-фактураларда кўрсатилган маълумотлар (миқдори, баҳоси, суммаси) автомобиль ёқилғилари киримини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилишига асос бўлади.

Автомобиль ёқилғиларини АЁҚШга қабул қилинган ҳақиқий миқдори уларнинг счёт-фактураларда кўрсатилган миқдоридан кам келиш ҳоллари бўлиши мумкин. Бундай кам келишлар, одатда, ёқилғиларни ташиб келтиришда (транспортировкасида) ҳамда уларни сақлаш ҳавзаларига (ер усти ва ер ости цистерналарига) қуйишда йўл қўйилган нобудгарчиликлар сабабли юз бериши мумкин. Бундай ҳолларда моддий жавобгар шахс бўйнига ёқилғиларнинг ҳақиқатда кирим қилинган миқдори ёзилиши, уларнинг счёт-фактураларда кўрсатилган миқдоридан фарқи эса камомад сифатида тан олиши лозим. Бу камомад, мос равишда, иккита турга бўлинади: меъёрдаги камомад (нобудгарчилик) ва меъёрдан ортиқча камомад (нобудгарчилик). Ҳақиқатда кирим қилинган автомобиль ёқилғилари миқдори ва суммасига кирим далолатномаси билан, аниқланган камомад (нобудгарчилик) миқдори ва суммаси махсус «Аниқланган камомадлар тўғрисида далолатнома» билан расмийлаштирилиши керак.

Аудиторлик текширувида автомобиллар кирими, уларни расмийлаштирилишига доир юқорида келтирилган тартиб-қоидаларга қай даражада амал қилинганлигига баҳо берилиши лозим. Чунончи, кирим қилинган автомобиллар ёқилғилари миқдори ва суммасини ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигини аниқлаш учун счёт-фактуралар ва улар реестрининг мавжудлиги, ушбу ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, реестрга киритилган счёт-фактуралари суммаларининг товар ҳисоботлари маълумотлари ҳамда журнал-ордерда берилган бухгалтерия ёзувлари билан мослиги обдон текширилиши лозим. Автомобил ёқилғилари кирими бўйича журнал-ордернинг ойлик йиғма

маълумотлари суммаларини бош китобдаги ёзув суммаси билан ўзаро уйғунлиги аниқланиши керак.

Товарлар кимида аниқланган камомадларни текширишда далолатномаларнинг мавжудлиги, бу далолатномаларни тўғри тузилганлиги, меърадаги ва меъёрдан ортиқ камомадларни тўғри ҳисоб-китоб қилинганлиги, далолатномаларда акс эттирилган суммаларни ҳисоб регистрларида берилган ёзувларга мос келишлигига иқдор бўлиш лозим. Бу муолажаларни амалга оширмасдан автомобиллар кимида доир маълумотларни ҳисоб ва ҳисоботда реал акс эттирилганлигига баҳо бериб бўлмайди.

АЁҚШларда, олдинги бобда таъкидлаб ўтганимиздек, сотиб олинган автомобил ёқилғилари қорхоналарга ва аҳолига нақд пулга, пластик ва қорпоратив қарточкаларга ҳамда нақдсиз пулга сотилади. Товарларни сотилишига доир операцияларни текширишда аудиторлар қуйидаги саволларга жавобларни топишлари лозим:

*сотилган автомобиллар ёқилғилари миқдори ва суммаси ҳисоб ва ҳисоботда реал акс этирилганми?

*сотиш операциялари ҳужжатли тўғри реал акс эттирилганми?

*сотишда давлат томонидан белгиланган сотиш баҳоларига амал қилинганми?

*товарларни сотишда юз берган нормадаги табиий камайиш ва нормадан ортиқ йўқотишлар тўғри аниқлаганми, уларни ҳисобдан чиқариш ҳисобда тўғри акс эттирилганми ва бошқалар.

Автомобилларни сотиш ҳажмини миқдор ва суммавий жиҳатдан тўғри ҳисоб-китоб қилинишига АЁҚШлар молиявий-ҳўжалик фаолиятининг барча кўрсаткичлари, шунингдек бюджетга тўланадиган солиқлар бевосита боғлиқ. Шу боис ҳам аудиторлар автомобиллар ёқилғиларини сотилишини ҳужжатли асосда ёппасига текшириб чиқишлари лозим. Чунончи, сотилган автомобиль ёқилғилари ҳажмини уларнинг турлари бўйича ҳам миқдор, ҳам суммавий бирликда алоҳида-алоҳида текшириш талаб этилади. Чунки, автомобиль ёқилғиларининг алоҳида турлари уларнинг сотиш баҳолари, белгиланган

истеъмол солиғи ставкалари бўйича бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, автомобиль ёқилғиларини нақд пулга ва нақдсиз пулга сотиш ҳажми турли ставкада ягона солиққа тортилади. Автомобиль ёқилғиларини пластик карталар орқали аҳолига сотилган ҳажми бўйича ягона солиқ ставкасидан 10%лик имтиёз берилади. Ушбу хусусиятларнинг барчаси аудиторлик текширувида автомобил ёқилғилари турлари бўйича сотиш ҳажмини ҳам миқдор, ҳам суммовий кўринишда ҳисобот ойлари, қолаверса саналар бўйича тизимлаб чиқишни тақозо этади.

Энди, юқорида изоҳи берилган тартибларга асосан «Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖнинг 2010-2012 йиллардаги молиявий хўжалик фаолияти аудитида товар операциялари бўйича аниқланган айрим ҳолатларга тўхталамиз. Ишимизнинг илова қисмида ушбу МЧЖда аҳолига ва ташкилотларга сотишга мўлжалланган пропан газининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар ҳисобот йилларининг ойлари кесимида келтирилган. Аудиторлар томонидан тузилган ушбу ишчи ҳужжатлар маълумотлари асосида корхонада пропан газининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни йиллар кесимида ифодаловчи қуйидаги жадвални тузамиз (4-жадвалга қаранг).

Жадвалдан кўриниб турибдики, ушбу МЧЖда йилдан йилга товарлар кирими ва уларнинг сотилиши ҳамда бошқа чиқимлари ошиб борган. Чунончи, таҳлил қилинган 5 йил ичида жами 2639623 кг ёки 2175061 минг сўмга пропан газини сотиб олинган. Сотиб олиш ҳажми 5 йил ичида миқдор жиҳатдан 4,6 баробарга, пул бирлигида эса қарийб 8 марта ўсган. Ўтган 5 йил ичида мос равишда сотиш ҳажми ҳам миқдор, ҳам пул бирлигида ошиб борган.

Шу йиллар ичида нақд пулга 1444126 кг, пластик карталар орқали 1032836 кг пропан сотилган. МЧЖда пропаннинг улгуржи сотилиши фақат 2009 йилда юз берган, қолган кейинги йилларда улгуржи сотиш операциялари амалга оширилмаган. Пул бирлигида сотиб олиш ва сотиш

ҳажмининг ўсиши бир вақтнинг ўзида ҳам миқдор кўрсаткичларнинг, ҳам сотиб олиш ва сотиш баҳоларининг ўсиши эвазига юз берган.

**«Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖда 2008-2012 йилларда пропан газининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида
Маълумотлар**

Йил-лар	Бош қолдиқ		Кирим		Жами чиқим		Шундан							
	Миқ-дори, кг	Сум-маси, Минг сўм	Миқ-дори, Кг	Сум-маси, Минг сўм	Миқ-дори, кг	Сум-маси, Минг сўм	Касса		Пластик карта		Ташкилотларга		Табийий камаийиш	
							Миқ-дори, Кг	Сум-маси, Минг сўм	Миқ-дори, кг	Сумма си, Минг сўм	Миқ-дори, кг	Суммас и, Минг сўм	Миқ-дори, кг	Сум-маси, минг сўм
2008	0	0	192780	106960	180293	100032	173854	96459	0	0	0	0	6439	3573
2009	12487	6928	310070	219413	315337	221275	282897	198512	18938	13289	3668	2574	9834	6901
2010	7220	5066	443320	534340	449440	538089	150386	180049	281933	337542	0		17121	20505
2011	1100	1317	811224	461607	697406	397435	268724	153141	393439	224214	0		36059	20549
2012	114918	65490	882229	852741	931275	857572	568265	523291	328526	302309	0	0	34484	31732
2013	65872	60615												
Жами			2639623	2175061	2573751	2114403	1444126	1151452	1032836	877354	3668	2574	103937	83260

Аудит ўтказилган йилларда пропан газининг табиий камайиш суммаси ҳам ошиб борган. Чунончи, ўтган 5 йили ичида ушбу МЧЖ сотиш учун мўлжалланган пропан газининг табиий камайишидан жами 83260 минг сўмлик зарар кўрган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, пропан гази билан савдо қилувчи АЁҚШларда табиий камайишни камайтириш бўйича ўз ечимини кутаётган муаммолар бор. Чунончи, табиий камайишни минимумга келтирувчи замонавий ёқилғиларни транспортировка қилиш, сақлаш ҳамда сотиш воситаларини яратиш зарурати мавжуд. Бундан ташқари пропан газини талабдан ортиқ миқдорда сотиб олиш ва хавзаларда сақлаш ҳам уларнинг табиий камайишини кўпайишига олиб келмоқда. Демак, АЁҚШларда пропан газини сотиш ҳажмини тўғри режалаштириш, шунга мос равишда уни харид қилишни ҳам йўлга қўйиш фойдадан холи бўлмайди.

«Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖда ўтказилган аудит текшируви материалларидан кўриниб турибдики, унда товар операциялари бўйича ҳисоб ва ҳисоботда четланишлар аниқланмаган. Аудиторлик ҳисоботида товар операциялари ҳисобини яхшилаш, табиий камайишдан кўрилатган зарарларни камайтиришга оид аудиторлик тавсиялари берилмаган. Булар, ўз навбатида АЁҚШларда товар операциялари аудитини келгусида янада ҳам такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш зарурати борлигидан дарак беради.

3.2. АЁҚШларда даромадлар аудити

Автомобиль ёқилғиларини сотиш билан шуғулланувчи корхоналар фаолиятининг энг муҳим кўрсаткичлари бўлиб уларнинг даромадлари ва харажатлари ҳисобланади. Бу кўрсаткичларнинг реаллигига АЁҚШларнинг якуний молиявий натижаси, яъни фойдаси, мос равишда инвесторлар-таъсисчиларнинг тадбиркорликдан оладиган иқтисодий нафлари бевосита боғлиқдир. Шу боис ҳам даромадлар ва харажатлар АЁҚШларда

ўтказиладиган аудиторлик текширувларининг ўта муҳим объектлари ҳисобланади.

АЁҚШлар даромадларининг асосий тури – бу автомобиль ёқилғиларини сотишдан олинган соф тушумдир.

Соф тушум деганда АЁҚШларда автомобиль ёқилғиларини сотишдан тушган жами тушумдан ёқилғи истеъмоли солиғи суммасини айиришдан кейин қолган сумма тушунилади. Бошқачасига, соф тушум жами сотилган ёқилғи миқдорини бир бирлик (1литр ёки 1 куб метр ёки 1 кг) ёқилғи учун белгиланган ёқилғи истеъмоли солиғисиз сотиш баҳосига кўпайтириш орқали ҳам топилади. Демак, АЁҚШларда соф тушум ҳажми иккита омилга- сотилган ёқилғи миқдори ва 1 бирлик ёқилғининг истеъмол солиғисиз сотиш баҳосига боғлиқ бўлади.

Соф тушумни ҳисоб ва ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини текширишга асос бўлиб қуйидаги бошланғич ҳужжатлар ҳисобланади:

*накд сотиш бўйича – касса аппарати счетчиги маълумотлари ва улар асосида савдо пулини кассага кириш қилинганлигига гувоҳлик берувчи кириш касса ордерлари;

*пластик карталар орқали сотиш бўйича – терминал счетчиги кўрсаткичлари ва улар асосида корхонанинг ҳисоб рақамига туширилган суммаларга гувоҳлик берувчи ички мемориал-ордерлар ва банк кўчирмалари;

*корпоратив карточкалар орқали сотиш бўйича - терминал счетчиги кўрсаткичлари ва улар асосида корхонанинг ҳисоб рақамига туширилган суммаларга гувоҳлик берувчи ички мемориал-ордерлар ва банк кўчирмалари.

АЁҚШларда соф тушумнинг ҳисоби 9020 «Товарларни сотишдан олинган даромадлар» счёти тизимида очилган алоҳида счетларда юритилади. Мисол учун:

*9021 «Накд сотишдан даромадлар»;

*9022 «Пластик карточкаларга аҳолига сотишдан даромадлар»;

*9023 «Корпоратив карточкаларга ташкилотларга сотишдан даромадлар»;

*9024 «Ташкилотларга нақсиз улгуржи сотишдан олинган даромадлар».

Юқорида келтирилган биринчи иккита счёта акс эттирилган соф тушум суммаси АЁҚШларнинг чакана савдодан, кейинги иккита счёта акс эттирилган тушум суммаси эса АЁҚШларнинг улгуржи савдодан даромадларини ифодалайди.

Аудиторлик текширувида ёқилғиларни сотишдан олинган даромадлар тўғрисидаги маълумотлар юқоридаги счётлар кесимида махсус аналитик жадвалларда (иш ҳужжатларида) ойлар бўйича, қолаверса кунлар бўйича тизимлаб чиқилади. Топилган суммани ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари бўйича таққослаш уларда йўл қўйилган четланишларни аниқлашга ёки бундай четланишларнинг мавжуд эмаслигини аниқлашга имкон беради.

«Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖда 2008-2012 йиллар учун ўтказилган аудиторлик текширувида ушбу корхонада соф тушумда четланишга йўл қўйилмаганлик аниқланган. Бу корхонанинг шу йилларда пропан газини сотишдан олган соф тушуми тўғрисидаги маълумотлар 5-жадвалда келтирилган. Ушбу жадвал ббиз томонимиздан иловаларда келтирилган аудиторлар иш ҳужжатлари асосида тузилган.

5-жадвалдан кўриниб турибдики, ушбу МЧЖда йилдан йилга пропан газини сотишдан олинган соф тушум суммаси ошиб борган. Чунончи, таҳлил қилинган 5 йил ичида сотишдан олинган соф тушум 121 млн. сўмдан қарийб 1 млрд сўмгача етган, яъни у 8,3 марта ошган. Текширилган 5 йил ичида МЧЖ жами 2,5 млрд сўмлик соф тушумга эга бўлган. Соф тушум таркибида нақд пулга сотиш устунлик қилган. Чунончи ўтган 5 йил ичида нақд пулга олинган соф тушум суммаси 1,444 млрд сўмни ташкил этган ёки у жами соф тушумнинг 57%дир. Шу йиллар ичида пластик карталар орқали сотишдан олинган соф тушум 1,080 млрд ёки у жами соф тушумнинг 43%дир. МЧЖда улгуржи савдодан олинган соф тушум 2009 йилда юз берган, қолган йилларда у бўлмаган. Улгуржи савдодан олинган соф тушумнинг ҳиссаси ўтган 5 йилда сезиларли бўлмаган.

**«Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖда 2008-2012 йилларда пропан газини сотишдан олинган соф тушум тўғрисида
Маълумотлар**

Йиллар	Жами сотиш		Шу жумладан					
	Микдори, кг	Соф тушум суммаси, Минг сўм	Нақд пулга		Аҳолига пластик карта орқали		Ташкилотларга нақдсиз пулга	
			Микдори, кг	Соф тушум суммаси, Минг сўм	Микдори, кг	Соф тушум суммаси, Минг сўм	Микдори, кг	Соф тушум суммаси, Минг сўм
2008	173854	121003	173854	121003	0	0	0	0
2009	305503	254139	282897	225789	18938	24349	3668	4001
2010	432319	603333	150386	196625	281933	406708	0	
2011	662163	557745	268724	231070	393439	326675	0	
2012	896791	973169	568265	650616	328526	322553	0	0
Жами	2470630	2509389	1444126	1425103	1032836	1080285	3668	4001

Аудит ўтказилган йилларда пропан газининг табиий камаишига йўл қўйилганлик эвазига, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жами 83260 минг сўмлик зарар кўрган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ушбу МЧЖ пропан гази бўйича табиий камаиш эвазига 83260 минг сўмлик соф тушумга эришиш имкониятини йўқотган.

«Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖда ўтказилган аудит текшируви материалларидан кўриниб турибдики, унда соф тушум бўйича ҳисоб ва ҳисоботда четланишлар йўл қўйилган (6-жадвалга қаранг)

6-жадвал

«Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖда 2008-2012 йилларда соф тушумда аниқланган четланишлар

Йиллар	Соф тушум, минг сўм		Четланиш (минг сўм)	
	Корхона бўйича	Аудит текширувида	Кўп	Кам
2008	121241	121003	238	
2009	251364	251364	0	0
2010	604866	603333	1533	
2011	552720	557745		5025
2012	977223	973169	4054	

Аудиторлик ҳисоботида соф тушумда йўл қўйилган четланишларнинг аниқ сабаблари кўрсатилган. Бундай сабаблар бўлиб 2008, 2010, 2012 йилларда асосан сотиш ҳажмида истеъмол солиғи суммасини нотўғри аниқлангани ҳисобланади. 2011 йилдаги четланишга сабаб бўлиб, сотиш ҳажми ва истеъмол солиғида йўл қўйилган хатоликлар ҳисобланади.

Аудиторлик ҳисоботида соф тушумни молиявий ҳисоботда тўғрилаш бўйича аудиторлик тавсиялари берилган. Шу билан бирга аудиторлик ҳисоботида соф тушум ҳисобини юритишга мўлжалланган счетларни улар тўғрисида тизимли ахборотларни бериш имкониятлари мавжудлиги кўрсатилмаган. Мос равишда, бундай имкониятларни берувчи счетларни доимий мажбурий қўллашга ўтиш бўйича аудиторлик тавсиялари берилмаган. Булар, ўз навбатида АЁҚШларда соф тушум аудитини келгусида янада ҳам такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш зарурати борлигидан дарак беради.

3.3. АЁҚШларда солиқлар аудити

2002 йил 1 январдан бошлаб республикамизда жисмоний шахсларга бензин, дизель ёқилғиси ва суюқлаштирилган газлар нақд пулга транспорт солиғи ўрнига жорий этилган ёқилғи истеъмоли учун ундириладиган солиқ билан сотиладиган бўлди. Чунончи, 2008 йил 1 январдан бошлаб ёқилғи истеъмоли учун солиғи ставкалари қуйидагича белгиланди (7-жадвал).

7-жадвал

Транспорт воситалари учун ёқилғиларни аҳолига сотишда ундириладиган истеъмол солиғи ставкалари

Ёқилғи тури	Солиқ объекти бирлиги	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Бензин ва ДЁ	Литр	120	145	175	200	240	
Сиқилган газ	Кг	120	145	175			
	1 куб м.	12	145	175	200	200	
Суюлтирилган газ	кг			140	165	165	

АЁҚШлар истеъмол солиғидан ташқари савдо корхоналари сифатида ягона солиқ тўловини тўловчилари бўлиб ҳисобланадилар. Ушбу солиқ ставкаси улгуржи савдо бўйича 5 %, чакана савдо бўйича эса АЁҚШнинг жойлашган жойига кўра қуйидаги ставкаларда тўланади:

- *шаҳар жойларда – 4%;
- *қишлоқ жойларда – 2 %;
- *узоқ тоғли жойларда 1%.

Аҳолига пластик карталар орқали сотиш ҳажмидан АЁҚШларга солиқ ставкаси 10 % миқдорида камайтирилади, яъни шаҳар жойдаги АЁҚШлар ушбу турдаги тушумдан 3,6 %, қишлоқ жойдаги АЁҚШлар – 1,8 % ва узоқ тоғли жойдаги АЁҚШлар – 0,9 % ставкада ягона солиқ тўловини тўлайдилар.

Аҳолига сотиладиган автомобил ёқилғилари учун белгиланган истеъмол солиғи суммаси асосан иккита омилга бевосита боғлиқ бўлади. Булар: (1) сотиш миқдори ва (2) солиқ ставкаси.

Ушбу омилларни эътиборга олган ҳолда истеъмол солиғи суммаси куйидагича топилади:

$$\text{Сист} = \text{См} * \text{Сст}$$

Бу ерда: **Сист**- истеъмол солиғи суммас; **См**- сотиш миқдори; **Сст**-солиқ ставкаси.

Демак, истеъмол солиғини ҳисоб-китоб қилишда бухгалтерлар ҳам, аудиторлар ҳам юқоридаги алгоритмга асосланадиган ҳисоб-китобни тузадилар. Бухгалтерлар ва аудиторлар томонидан тузилган ҳисоб-китобларни ўзаро таққослаш ушбу солиқ ҳисобини тўғри қилинганлиги ёки унда кўп ёки кам томонга четланишга йўл қўйилганликни аниқлашга имкон беради.

«Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖда автомобиль ёқилғилари учун истеъмол солиғи ҳисоб-китобини аудиторлик текширувида текширилган 2008-2012 йилларнинг барчасида четланишга йўл қўйилган. Мисол тариқасида ушбу ҳисоб-китобларни 2012 йил учун кўриб чиқамиз (8-жадвалга қаранг).

8-жадвал

**«Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖДа 2012 йилда аҳолига
сотилган пропан газ бўйича истеъмол солиғи ҳисоб-китобида
аниқланган четланишлар**

Кўрсаткичлар	Корхона бўйича	Аудит текширувида	Четланиш
Сотилган газ, литр	872224	896791	-24567
Солиқ ставкаси, 1 литр учун	165	165	0
Солиқ суммаси, сўм	143916960	147970515	4053555

8-жадвалдан кўриниб турибдики, истеъмол солиғи 2012 йилда ушбу МЧЖда 4053555 сўмга кам ҳисобланган. Бу фақат солиқ базасини нотўғри топилганлиги сабабли юз берган. Солиқ ставкаси тўғри қўлланилган. Шу боис, бу омил солиқ суммасига таъсир ўтказмаган.

АЁҚШларда истеъмол солиғи айириб ташлангандан кейин қолган савдо тушуми ягона солиқ тўловига тортилади. АҚШнинг жойлашган жойи ва хизмат кўрсатаётган худудидаги аҳоли сонига кўра ягона солиқ тўлови белгиланган ставкада ҳисобланади. Мисол учун, «Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖ қишлоқ жойда жойлашганлиги учун ушбу солиқни нақд пулга сотишдан соф тушумдан 2 % ставкада, пластик орқали сотилган соф тушумдан 1,8 %лик ставкада тўлайди.

2012 йилда «Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖда ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобида йўл қўйилган четланишлар 9-жадвалда келтирилган.

9-жадвал

«Шарофат Булунғур Омад Файз» МЧЖда 2012 йилда ягона солиқ тўловии ҳисоб-китобида аниқланган четланишлар

Кўрсаткичлар	Корхона бўйича	Аудит текширувида	Четланиш
Жами соф тушум, минг сўм	977223	973169	4054
Шундан нақд пулга, мингсўм	650616	650616	0
Шундан пластика, минг сўм	326607	322553	
Солиқ ставкаси, %	2		
Нақд пулга сотиш бўйича, %	2	2	
Пластика сотиш бўйича, %	1,8	1,8	
Солиқ суммаси жами, минг сўм	19055	18818	237
Шундан нақд пулга, минг сўм	13012	13012	0
Шундан пластика, минг сўм	6043	5806	237

9-жадвалдан кўриниб турибдики, ягона солиқ тўлови 2012 йилда ушбу МЧЖда 237 минг сўмга кўп ҳисобланган. Бу истеъмол солиғини нотўғри топилганлиги сабабли ягона солиқ тўлови базасини аниқлашда юз берган хатолик эвазига юз берган.

3.4. АЁҚШлар фаолияти самарадорлиги аудити ва уни ошириш бўйича аудиторлик тавсиялари

АЁҚШларда ўтказиладиган аудитда аудиторларнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб улар фаолияти самарадорлигига баҳо бериш ҳисобланади.

АЁҚШлар фаолияти самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткичлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- *узоқ муддатли активларнинг жами активлардаги ҳиссаси;
- *қисқа муддатли активларнинг жами активлардаги ҳиссаси;
- *молиявий мустақиллик коэффиценти;
- *молиявий қарамлик коэффиценти;
- *жорий ликвидлик даражаси (тўлов қобилияти коэффиценти);
- *сотиш рентабеллик даражаси;
- *харажатлар рентабеллиги даражаси ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки, фаолият самарадорлигини ифодаловчи ушбу кўрсаткичларнинг моҳияти, уларни ҳисоб-китоб қилиш тартиблари адабиётларда етарлича очиб берилган. Улар 10-жадвалда келтирилган. Фикримизча, фаолият самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашнинг ушбу тартиблари бевосита АЁҚШларга ҳам тегишлидир.

10 – жадвал.

АЁҚШлар фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимива уларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби

Кўрсаткичларнинг номи	Ҳисоблаш усули	Мазмуни
АЁҚШлар мулкӣ ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар		
Хўжалик маблағлари суммаси (Маб)	Баланс якуни	Маълум санадаги фойда ланиладиган хўжалик маблағларининг умумий суммаси
Ўз маблағлари (ЎМ)	Баланс пассиви ± 1-бўлим якуни	Корхонанинг ўзига қарашли маблағлари ҳажми
Жалб қилинган маблағлар, мажбуриятлар (ЖМ)	Баланс пассиви 2-бўлими якуни	Жами узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлари суммаси

Айланма маблағлар (АМ)	Баланс активи 2-бўлим якуни	Муомаладаги маблағлар
Қисқа муддатли мажбуриятлар (ҚМ)	Баланс активи 2-бўлими якуни айирув узок муддатли қарзлар ва кредитлар	Қисқа муддатли қарзлар, кредитлар суммаси, шунингдек, кредиторлик қарзлари
Узок муддатли активлар (УА)	Баланс активи 1-бўлими якуни	Асосий воситалар, номоддий активлар, узок муддатли инвестицияла
Узок муддатли мажбуриятлар (УМ)	Баланс пассиви 2-бўлими якуни айирув қисқа муддатли мажбуриятлар	Узок муддатга олинган қарз ва кредитлар суммаси
Ўз айланма маблағлари (ЎАМ)	Баланс пассив 1-бўлими якуни қўшув узок муддатли қарз ва кредитлар айирув актив 1-бўлим якуни	Айланишдаги ўз маблағлари суммаси
Муомаладаги сармоя (МС)	Ўз айланма маблағлари айирув тўлаш муддати ўтган дебиторлик қарзлари	Ушбу вақтда энг ҳаракатчан, чиндан муомалада бўлган ўз айланма маблағлари суммаси, бошқа тўлаш муддати ўтган дебиторлик қарзлари
Тез ликвидланадиган активлар	Пул маблалари + ДҚ – МДҚ	Пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари, бунда муддати ўтган дебиторлик қарзлари чиқариб ташланади
Ишлаб чиқариш захиралари (ИЗС)	АМ – (Пул мабл. + ДҚ)	Ишлаб чиқариш захиралари ва сарфларида бўлган маблағлар суммаси
Пул маблағлари	Пул маблғ. + ВС + Касса	Кассада, ҳисоб китоб ва валюта счётларидаги ҳақиқатда мавжуд пул маблағлари
Дебиторлик қарзи (ДҚ)	Актив 2-бўлимида дебиторлик қарзи моддалари суммаси	Дебиторлик қарзининг ҳақиқий суммаси
Тўлаш муддати ўтгани	2а – шакл маълумотлари	Белгиланган муддатда тўланмаган дебиторлик қарзи суммаси
Кредиторлик қарзи	Пассив 2 – бўлимида кредиторлик қарзлари суммаси	Кредиторлик қарзининг ҳақиқий суммаси
Тўлаш муддати ўтгани (МКҚ)	2а – шакл маълумотлари	Белгиланган муддатда қайтарилмайдиган кредиторлик қарзи суммаси
Асосий фондлар	Актив 1 – бўлимида	Ҳаракатсиз активларнинг бир қисми
Моливий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар		
Тўлов қобилиятини ифодаловчи кўрсаткичлар		
Соф тушим коэффиценти	(Соф фойда + амортизация)/ Қисқа муддатли мажбуриятлар	Қисқа муддатли мажбуриятларни ўз ихтиёрида қоладиган соф

		тушим билан қоплай олиш даражасини ифодалайди
Соф оборот саимояси	АМ – ҚМ	Ўзинг ихтиёрида қисқа муддатли мажбуриятларни тўлагандан сўнг қоладиган айланма маблағларни ифодалайди
Мутлоқ ликвидлик коэффиценти	Пул маблағ./ ҚМ	Қисқа муддатли мажбуриятларнинг қандай қисми дарҳол сўндирилишини билдиради
Муддатли ликвидлик коэффиценти	(Пул мабл. + Қисқа муддатли молиявий кўйил. + ДҚ – МДҚ)/ҚМ	Тез орада реализация қилинадиган пул маблағлари билан қисқа муддатли мажбуриятларни қоплай олишни ифодалайди
Жорий ликвидлик коэффиценти	(Пул мабл. + Қисқа муддатли молиявий кўйилмалар + ДҚ + товарлар	Тез реализация қилинадиган активлари билан қисқа муддатли мажбуриятларини қоплаш олиш қобилиятини ифодалайди
Корхонанинг мустақиллигини ифодаловчи кўрсаткичлар		
Мухторлик коэффиценти	Ўм / Маб.	Умумий маблағлар таркибидаги ўз маблағлари улуши
Молиявий барқарорлик коэффиценти	ЎМ / ЖМ	Ўз маблағларининг жалб қилинган маблағларга бўлган нисбатини ифодалайди
Молиявий қарамлик коэффиценти	Маб. / ЎМ	Ўз маблағлари 1 сўмига қанча хўжалик маблағлари тўғри келади
Ўз сармояси ҳаракатчилиги	МС / ЎС	Ўз айланма маблағларининг ўз маблағларидаги улуши
Жалб қилинган маблағларнинг тўланиш коэффиценти	ЖМ / Маб.	Жалб қилинган маблағларнинг умумий маблағлардаги улуши
Жалб қилинган ва ўз сармояси коэффиценти	ЖМ / ЎМ	Ўз маблағлари 1 сўмига қанча қарз маблағлари тўғри келади
Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар		
Корхона даромадлари		
Сотишдан олинган даромад	2 - шакл 010сатр	Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум
Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар	2 – шакл 090 - сатр	Асосий воситалар, номоддий активларни сотишдан, пеня, жарималар ундиришдан, қисқа

		муддатли ижара даромадлари ва бошқалар
Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар	2 – шакл 110 – сатр	Дивидент, фоиз, роялти, узоқ муддатли ижарадан олинган даромадлар
Тасодифий даромадлар	2 – шакл 230 – сатр	Такрорланиб турмайдиган, фавқулотда ҳаракатга эга бўлган фаолиятдан олинган даромадлар
Корхона фойда турлари		
Сотишдан олинган фойда	2- шакл 010 – сатр – 020 сатр= 030 – сатр	Махсулотларни сотишдан олинган соф тушимдан махсулоттан нархихаражатлари чиқарилади
Асосий фаолиятдан олинган фойда	2 – шакл 030 сатр 040 – сатр + 090 сатр	Махсулотлар, асосий воситалар, номоддий активларни сотиш ва бошқа фаолиятлардан олинган фойда суммаси
Молиявий ҳолатдан олинадиган фойда (зарар)	2 – шакл 110 сатр – 170 сатр	Молиявий фаолият даромадларининг харажатларидан фарқи
Тасодифий фойда (зарар)	2 – шакл 230 – сатр	Тасодифий характердаги олинган фойда
Солиқ тўлангунча қадарги фойда	2 – шакл 240 – сатр	Даромад (фойда) солиғи тўлашдан олдинги фойда суммаси
Соф фойда	2 – шакл якуни ёки 270 – сатр	Соф фойданинг ҳақиқий суммаси
Рентабеллик кўрсаткичлари		
Жами активлар рентабеллиги	Соф фойда / Мабл.	Жами маблағлар таркибида соф фойданинг улушини ифодалайди
Ўз маблағлари рентабеллиги	Соф фойда / ЎМ	Ўз маблағлари таркибида соф фойданинг улушини ифодалайди
Сотилган махсулот рентабеллиги	Сотишдан олинган фойда / Сотилган махсулот ҳажми	Ялпи фойданинг махсулот сотишдан тушган соф тушим таркибидаги улушини ифодалайди
Асосий фондлар рентабеллиги	Соф фойда / АФ	Асосий фондлар бир сўмига тўғри келадиган соф фойда улуши
Айланма маблағлар рентабеллиги	Соф фойда / АМ	Айланма маблағлар 1 сўмига тўғри келадиган соф фойда улушини ифодалайди

Қуйида «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилотининг «NITRO GAZ OIL» МЧЖда ўтказилган аудиторлик текшируви ҳисоботида унинг

самарадорлик кўрсаткичларига ҳолатига баҳо берилган қисмидан кўчирмаларни ҳам келтирамиз.

Директору
ООО «NITRO GAZ OIL»
г-ну ГАФУРОВУ Н. К.

ОТЧЕТ
об итогах аудиторской проверки финансово-хозяйственной
деятельности ООО «NITRO GAZ OIL» за 2010-2012 гг.

г.Самарканд.

30 июля 2013 г.

Имущественное и финансовое положения ООО «NITRO GAZ OIL»

По данным ООО хозяйственные активы на 1.01.2013 г. всего 526 746 тыс. сум, из них:

- Долгосрочные активы – 268 644 тыс. сум или 51,0 %;
- Текущие активы - 258 102 тыс. сум или 49,0 %.

Источники образования активов:

- Собственный капитал – 262 569 тыс. сум или 49,8 %;
- Обязательства - 264 177 тыс. сум или 50,2 %.

По данным проверки хозяйственные активы на 1.01.2013 г. всего 606 645 тыс. сум, из них:

- Долгосрочные активы – 269 516 тыс. сум или 44,4 %;
- Текущие активы - 337 129 тыс. сум или 55,6 %.

Источники образования активов:

- Собственный капитал – 308 188 тыс. сум или 50,8 %;
- Обязательства - 298 457 тыс. сум или 49,2 %.

Коэффициент платежеспособности 1,107 или 110,7 %.

Аудиторлик текширувининг якунида аудиторлар текширув натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботини тузадилар ва корхонанинг молиявий ҳисоботи бўйича аудиторлик хулосаларини берадилар.

Аудиторлик ҳисоботида текширув натижалари бобма-боб ва праграфма-параграф ёритилади. У камида 2 нусхада тузилади, 1 нусхаси корхона раҳбариятига берилади, 1 нусхаси эса аудиторлик ташкилотига қолади. Ҳисоботнинг ҳар икала нусхаси аудитни ўтказган аудиторлар томонидан ҳамда корхонанинг раҳбари ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланади.

Аудиторлик ҳисоботи маълумотлари сир сақланиши, бировга тақдим этилмаслиги лозим.

Аудиторлик ҳисоботининг мазмуни 70—сон АФМСга мувофиқ бўлиши керак. Ушбу стандартга кўра аудиторлик ҳисоботи 3 қисмдан иборат бўлади: **1-қисм**– бу кириш қисм бўлиб, унда аудиторлик ташкилотининг ресвизитлари, ҳисоботни кимга йўналтирилганлиги, аудит ўтказишнинг ҳуқуқий асослари кўрсатилади. **2-қисм** – таҳлилий қисм бўлиб, унда аудит текширувлари натижалари алоҳида текшириш объектлари бўйича ёритиб берилади. **3-қисм** – хулоса ва таклифлар қисми бўлиб, унда ҳисоботнинг ҳолати бўйича хулоса ва аудиторларнинг тавсиялари акс эттирилади.

Аудиторлик ҳисоботи асосида аудиторлик хулосаси тайёрланади. Бу ҳужжат шакли ва мазмуни 70—сон АФМС билан белгиланган. Хулоса ҳам 3 та қисмдан иборат бўлади.

Аудиторлик хулосаси икки хил бўлади: ижобий ва салбий.

Аудиторлик хулосаси камида 2 нусхада тузилади, унинг 1 нусхаси миждозга тақдим этилади, 1 нусхаси аудиторлик ташкилотида қоладиган аудиторлик ҳисоботига тикилади.

Ижобий хулоса корхонанинг молиявий ҳисоботида камчилик аниқланмаган ҳолда, яъни у корхонанинг мулкӣ ва молиявий ҳолатини реал акс эттирган ҳолда берилади. Корхонанинг молиявий ҳисоботи унинг мулкӣ ва молиявий ҳолатини реал акс эттирмаган ҳолда салбий аудиторлик хулосаси берилади.

Аудиторлик ҳисоботининг тузилиши, унда маълумотларни ёритилиши тартибини юқорида айрим корхоналар мисолида келтирилган ҳисобот намуналаридан кўриш мумкин.

Қуйида айрим «NITRO GAZ OIL» ва бошқа АЁҚШларнинг молиявий ҳисоботларига берилган аудиторлик хулосаларини намуна сифатида келтирамыз.

«KOMIL-ISHONCH»
mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi auditorlik tashkiloti

140100, Самарканд шаҳри, Бўстонсарой 85 а. х/р 20208000503941081001 «ЎзСавдогарбанк» Самарканд шаҳар бўлими, 00286, СТИР 202631355, ОКОНХ 84400, тел. 223-11-59, 229-44-35, лицензия серияси АФ №00121, ЎзР молия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 февралда берилган, сугурта полиси № А 182348

Аудиторское заключение

Нами, аудиторами Баймуродовым Химматом Вайдуллаевичом (сертификат № 04974, от 30.07.2011 г.) и Эшалиевым Шавкат Мардоновичом (сертификат № 04605 от 16.09.2008 г.)

(фамилия, имя, отчество аудиторов)

аудиторской организации ООО «KOMIL-ISHONCH» (лицензия Министерства финансов РУз от 26 февраля 2008 года серия АФ № 00121)

(наименование аудиторской организации и ее реквизиты)

произведена проверка финансовой отчетности хозяйствующего субъекта

ООО «NITRO GAZ OIL»

(наименование хозяйствующего субъекта)

за период с 1 января 2010 года по 31 декабря 2012 года.

Ответственность за подготовку и достоверность финансовой отчетности, подлежащей аудиторской проверке, несет руководство хозяйствующего субъекта.

Аудиторская организация несет ответственность за свое заключение по данной финансовой отчетности.

Мы провели обязательную аудиторскую проверку в соответствии с НСАД. Эти стандарты обязывают, чтобы мы обеспечили пользователей достаточной уверенностью в том, что финансовая отчетность не содержит существенных искажений. Аудиторская проверка заключается в оценке достоверности и соответствия финансовой отчетности и иной финансовой информации законодательству, а также фактическому состоянию финансово-хозяйственной деятельности. Мы считаем, что проведенная нами аудиторская проверка предоставляет достаточные основания для выражения мнения.

По нашему мнению, финансовая отчетность хозяйствующего субъекта

ООО «NITRO GAZ OIL»

(наименование хозяйствующего субъекта)

за 2010, 2011 и 2012 годы, уточненная на основе материалов аудиторской проверки, достоверно отражает его финансовое и имущественное положения и совершенные данным хозяйствующим субъектом хозяйственно-финансовые операции во всех существенных аспектах соответствуют требованиям законодательства Республики Узбекистан.

**Директор аудиторской организации
«KOMIL-ISHONCH» в форме ООО
сертификат 04974**

(подпись) **Х.В. Баймуродов**

**Аудитор аудиторской организации
«KOMIL-ISHONCH» в форме ООО
сертификат 04605**

(подпись) **Ш.М. Эшалиев**

«30» июля 2013 г.

«KOMIL-ISHONCH»

mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi auditorlik tashkiloti

140100, Самарканд шаҳри, Бўстонсарой 85 а, Х/р 20208000503941081001 ОАТ «Савдогар» банк
Самарканд вилоят филиали, код 00286, СТИР 202631355, ОКОНХ 84400, тел.(99891) 520-65-83, 520-64-48,
лицензия серияси АФ №00121, ЎзР молия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 февралда берилган,
суғурта полиси № А 196809

Аудиторлик хулосаси

Менким, МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти

(аудиторлик ташкилоти номи)

аудитори Бахриддинов Раҳмиддин Абдухалилович (сертификат № 04832)

(аудиторларнинг фамилияси, исми ва шарифи)

2013 йил 28 мартда тузилган БР- 26 шартномага асосан

«YAXSHI METAN GAZ» МЧЖ нинг

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

2013 йил 1 январдан 31 мартгача бўлган даврдаги молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Текширувга тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун жавобгарлик МЧЖ раҳбариятига юклатилади. Аудиторлик ташкилоти ушбу молиявий ҳисобот бўйича берган ўз хулосаси учун жавобгардир.

Биз аудиторлик текширувини АФМСга мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар талаби шундаки, биз фойдаланувчиларни текширилган молиявий ҳисоботнинг муҳим хатоликларга эга эмаслиги тўғрисида етарлича ишонч билан таъминлашимиз лозим. Аудиторлик текширувининг моҳияти молиявий ҳисоботни ва бошқа молиявий ахборотларнинг тўғрилиги ва қонунийлигига, шунингдек уларни хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хўжалик фаолиятининг ҳаққоний ҳолатига мослигига баҳо беришдан иборат. Биз ўтказилган аудиторлик текшируви фикр билдириш учун етарлича асос бўла олади, деб ҳисоблаймиз.

«YAXSHI METAN GAZ» МЧЖ нинг

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

2013 йил 1 январдан 31 мартгача бўлган давр учун тузилган молиявий ҳисоботи, бизнинг фикримизча, МЧЖнинг шу ҳисобот даврлардаги мулкӣ ва молиявий ҳолатини реал акс эттиради, текширилган даврда МЧЖ томонидан олиб борилган молиявий ва хўжалик операциялари энг муҳим жиҳатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига мос келади.

МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH»

аудиторлик ташкилоти директори

К.Б. Уразов

(имзо)

МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH»

аудиторлик ташкилоти аудитори

Р.А. Бахриддинов

(имзо)

2013 йил 3 апрель

М.Ў.

«KOMIL-ISHONCH»

mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi auditorlik tashkiloti

140100, Самарканд шаҳри, Бўстонсарой 85 а. Х/р 20208000503941081001 «Ўзсавдогарбанк» Самарканд шаҳар бўлими, 00286, СТИР 202631355, ОКОНХ 84400, тел. 223-11-59, 229-44-35, А/Я № 15, ЎзР молия вазирлиги томонидан 2008 йил 26 февралда берилган серияси АФ №00121 Лицензия, суғурта полиси № А 182348

Аудиторлик хулосаси

Менким, МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти

(аудиторлик ташкилоти номи)

аудитори Бахриддинов Раҳмиддин Абдухалилович (сертификат № 04832)

(аудиторларнинг фамилияси, исми ва шарифи)

«Усмон Петрол Сервис» МЧЖ нинг

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

2008, 2009 ва 2010 йиллардаги молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Текширувга тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги учун жавобгарлик МЧЖ раҳбариятига юклатилади. Аудиторлик ташкилоти ушбу молиявий ҳисобот бўйича берган ўз хулосаси учун жавобгардир.

Биз аудиторлик текширувини АФМСга мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар талаби шундаки, биз фойдаланувчиларни текширилган молиявий ҳисоботнинг муҳим хатоликларга эга эмаслиги тўғрисида етарлича ишонч билан таъминлашимиз лозим. Аудиторлик текширувининг моҳияти молиявий ҳисоботни ва бошқа молиявий ахборотларнинг тўғрилиги ва қонунийлигига, шунингдек уларни хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хўжалик фаолиятининг ҳаққоний ҳолатига мослигига баҳо беришдан иборат. Биз ўтказилган аудиторлик текшируви фикр билдириш учун етарлича асос бўла олади, деб ҳисоблаймиз.

«Усмон Петрол Сервис» МЧЖ нинг

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

2008, 2009 ва 2010 йиллар учун тузилган ва ДСИ қайта топширилган молиявий ҳисоботлари, бизнинг фикримизча, МЧЖнинг шу ҳисобот даврлардаги мулкӣ ва молиявий ҳолатини реал акс эттиради, текширилган даврда МЧЖ томонидан олиб борилган молиявий ва хўжалик операциялари энг муҳим жиҳатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига мос келади.

МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH»

аудиторлик ташкилоти директори

К.Б. Уразов

(имзо)

МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH»

аудиторлик ташкилоти аудитори

Р.А. Бахриддинов

(имзо)

2012 йил 15 март

М.Ў.

Аудиторлик текширувлари якунида аудиторлик тавсиялари берилиши ва улар амалиётга жорий этилиши лозим.

Аудиторлик тавсиялари – бу аниқланган камчиликларни қандай тузатиш йўллари кўрсатилган таклифлар мажмуасидир.

Қуйида «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилотининг «NITRO GAZ OIL» МЧЖда ўтказилган аудиторлик текшируви якуни бўйича берилган аудиторлик тавсияларидан кўчирмаларни келтирамиз.

Директору
ООО «NITRO GAZ OIL»
г-ну ГАФУРОВУ Н. К.

ОТЧЕТ
об итогах аудиторской проверки финансово-хозяйственной
деятельности ООО «NITRO GAZ OIL» за 2010-2012 гг.

г.Самарканд.

30 июля 2013 г.

III. ВЫВОДЫ И РЕКОМЕНДАЦИИ.

В целях дальнейшего улучшения учета, отчетности и контроля рекомендуется следующее:

- Сдать перерасчет за 2011 г. по налогу на потребление в сторону увеличения на сумму 430 тыс. сум;
- Сдать перерасчет за 2011 г. по единому налогу в сторону увеличения на сумму 9 тыс. сум;
- Сдать перерасчет за 2011 г. по Единому социальному платежу в ПФ в сторону увеличения на сумму 2160 тыс. сум;
- Сдать перерасчет за 2012 г. по налогу на потребления в сторону увеличения на сумму 3188 тыс. сум;
- Сдать перерасчет за 2012 г. по единому налогу в сторону уменьшения на сумму 2346 тыс. сум;
- Сдать перерасчет за 2012 г. по Единому социальному платежу в ПФ в сторону увеличения на сумму 1568 тыс. сум;
- Сдать в ГНИ уточненный баланс и отчет о финансово-хозяйственной деятельности за 2012 год;
- Вести главную книгу и ежемесячно вести журналы ордера, применять в учете и транзитные бухгалтерские счета;
- Составить и утвердить учетную политику предприятия и определять в нем методы ведения учета.

Аудиторлик тавсияларини амалиётга жорий жорий этиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Биринчидан, аудиторлик ҳисоботи корхона раҳбариятига танишиш учун твқдим этилади.

Иккинчидан, аудиторлик ҳисоботида келтирилган маълумотлар корхонада раҳбор бошчилигида, бухгалтерия ва бошқа бўлим ходимлари иштирокида муҳокама этилади.

Учинчидан, аудиторлик ҳисоботида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш йўллари белгиланади.

Тўртинчидан, камчиликлар тузатилади, чунончи солиқлар ва тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китоблар қилинади, молиявий ҳисобот шакллари тузатилади, улар тегишли органларга қайта топширилади.

Ушбу ишлар амалга оширилгач, корхонага аудиторлик ҳисоботи билан бирга аудиторлик хулосаси ҳамда ишни бажариш-топшириш тўғрисида далолатнома топширилади, улар имзоланади. Шу билан аудиторлик текшируви якунланган ҳисобланади.

3.5 АЁҚШларда ҳаёт ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари

АЁҚШларда энг муҳим масалалардан бири бўлиб ҳаёт ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Чунки, улар фаолияти негизини ташкил қилувчи ва асосий сотишга мўлжалланган автомобил ёқилғилари ёнғинга жуда осон берилувчидир. Шу боис ҳам ёнғин хавфсизлиги воситалари билан таъминланганлик ҳамда уларнинг доимий иш шароитида бўлиши АЁҚШлар учун лицензия талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда одамлар хавфсизлигини таъминлаш борасида қанчадан-қанча тавсияномалар, қоида ва меъёрлар ишлаб чиқилган бўлишига қарамадан, АЁҚШларида бахтсиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолиб кетишини таъминловчи шароит мавжуд эмас.

Бундан ташқари АЁҚШларнинг хилма-хиллиги, ҳаттоки маълум бир бирига ўхшаш тартиб-қоидаларга амал қилиш лозим бўлсада улар хавф-

сизлигини таъминловчи, тартибга солинган қоида ишлаб чиқариш мумкин эмас, Шунинг учун ҳам ҳар бир АЁҚШ ўзи учун меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган йўриқномалар тизимини ташкил қилинган ва бу тизимлар ишчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи иш усулларини ўргатиш билан ходимнинг меҳнат хавфсизлигини сақлаш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

Йўриқномалар асосан, тўрт гуруҳга бўлинади: 1) кириш йўриқномаси; 2) иш жойидаги йўриқнома; 3) вақти-вақти билан ўтказиладиган йўриқнома; 4) режадан ташқари йўриқнома.

АЁҚШларда бошқа корхоналардаги сингари иш тоифаси ва хавфлилик даражаси қандай бўлишига қарамай, барча ишчи ва хизматчилар ишлаш даври, мутахассислиги ва малакасидан қатъи назар, йўриқномадан ўтишлари шарт. Бундай йўриқномалар сирасига қуйидагилар киради.

Кириш йўриқномаси. Ишга янги кираётганлар учун ўтказилади. Бу йўриқноманинг асосий мақсади ишга кираётган кишига меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат сани-тарияси тўғрисида маълумот бериш, уни саноат корхонаси май-донлари ва цехларидаги тартиб-қоидалардан хабардор қилишдир. Кириш йўриқномаси яхши жиҳозланган ва кўргазмали қуроллар ўрнатилган меҳнатни муҳофаза қилиш кабинетида, хавфсизлик техникаси муҳандиси томонидан ўтказилади.

Кириш йўриқномаси вақтида ишга кираётган ишчи қуйидаги ҳолатлар билан таништирилиши шарт: Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари, саноат корхонасида йўлга қўйилган ички тартиб қоидалари, саноат корхонаи май-донида ва цехларида ўзини тутиш қоидалари, саноат корхонасидаги хавфсизлик техникасининг умумий талаблари, иш жойини ташкил қилиш, ишчига топширилган машина ва механизмларни саранжом ва озода сақлаш қоидалари, махсус иш шароити ташкил этилган айрим цех ва бўлимлар билан таништириш, бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш қоидаларини тушунтириш, бунда асосий диққат-этиборни ҳар хил эритувчилар, кислоталар, енгил алангаланувчи

суюқликлар, сиқилган ҳаво, электр токи хавфи мавжуд бўлган цехларга қаратиш керак.

Меҳнатни мухҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоида, меъёр ва йўриқномаларининг бузилиши натижасида вужудга келган бахтсиз ҳодисалар ҳақида маълумотлар берилиши керак. Бахтсиз ҳодиса рўй беиганда ўзини қандай тутиш ҳақида тушунча берилади, алкогольли ичимликлар бахтсиз ҳодисага олиб келиши ҳақида айтиб ўтилиши шарт. Махсус кийим бош, махсус оёқ кийими ва шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш қоидалари, санитар-гигиена шароитларига эътибор бериш, санитария маиший хоналардан фойдаланиш тартиби, бахтсиз ҳодисага учраган кишига тиббиёт ходими келгунда қадар ёрдам кўрсатиш усуллари ҳақида маълумот берилади.

Иш жойидаги йўриқнома. Ишга янги кирган, бир ишдан иккинчи ишга ўтказилган, бир машинадан иккинчи машинага, бир участкадан иккинчи участкага ўтказилган, гарчи вақтинча бўлсада, иш жойидаги йўриқномадан ўтказилиши шарт.

Иш жойидаги йўриқномада қуйидагилар тушунтирилиши керак: ишчининг доимий ишлаш жойи, цехдаги технологик жараён ва хавфли участкалар, ишчининг доимий ишлаши зарур бўлган машинанинг ёки станокнинг тузилиши, машинанинг хавфли жойлари, муҳофаза қурилмалари ва бошқа сақловчи воситалар, уларнинг вазифаси ҳамда улардан фойдаланиш қоидалари. Ишга тайёрланиш қоидалари, станокнинг созланганлигини текшириш, юргизиш-ўчириш асбобларининг ишлаши, станокнинг ега уланганлиги, ёрдамчи ва асосий қуролларнинг мавжудлиги. Шахсий муҳофаза асҳаларининг вазифалари ва улардан фойдаланиш қоидалари, иш кийимлари, махсус кийимлар, оёқ кийимлари ва бош кийимлаиға қўйиладиган талаблар.


Иш жойини ташкил қилиш, бунда материал ва тайёр маҳсулотларни жойлаштириш, иш жойларининг ифлос ва кераксиз нарсалар билан тўлиб

кетишига йўл қўймаслик, йўллар, ўтиш жойлари ва иш жойларини тўсиб қўймаслик.

Транспорт воситалари, кўтариш кранлари ва механизмларни ишлатиш қоидалари ва бошқа ёрдамчи воситалардан фойдаланиш тартиблари.

Бахтсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин бўлган иш усулларини қўллашни тақиқлаш ва касб касалликларига олиб келиши мумкин бўлган саноат зарарли моддалари ҳақида тушунча бериш ва улардан сақланиш усулларини кўрсатиш.

Йўриқнома ўтказаетганда аввало, одатдаги иш шароитида ишчи ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида маълумот берилади. Лекин саноат корхоналарида баъзи бир фавқулодда ҳолатлар ҳам юз бериб қолиши мумкин. Масалан, авария, ёнғин ва бошқа ҳолларда ишчи ўзини қандай тутиши, тез ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун мана шундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида ҳам маълумот берилиши керак. Иш жойидаги йўриқномани мастер ёки бригадир ўтказди.



Вақти-вақти билан ўтказиладиган йўриқнома. Бу йўриқномани ўтказиш вақтини фабрика, завод касаба уюшмаси қўмиталари билан келишган ҳолда, саноат корхонасининг раҳбари белгилайди. Бу

йўриқноманинг мазмуни иш жойидаги йўриқнома мазмуни билан бир хил. Йўриқноманинг кириш йўриқномаси сингари иш стажи, малакаси, разрядидан қатъи назар, ҳамма ишчилар ўтказилиши шарт.

Режадан ташқари йўриқнома. Бу йўриқнома технологик жараённинг ўзгариши, янги машина ва станоклар киритилиши ва янги материаллардан фойдаланиш натижасида иш шароитининг ўзгариши муносабати билан ишчиларнинг меҳнат хавфсизлигини сақлаш борасида билимлари етишмаган ҳолларда ўтказилиши мумкин.

Бундан ташқари, бу йўриқнома баъзи бир ишчилар томонидан хавфли иш усулларида фойдаланилса, меҳнат интизоми ёки хавфсизлик техникаси қоидалари бузилса ёки ишчи ишлаётган жойидан бирор бир сабаб билан (масалан, касаллик, таътил) узилиш рўй берса, шунингдек, иш жойларида касб касалликлари ва бахтсиз ҳодисалар юз берса шундай йўриқнома ўтказилиши мумкин. Ўхшаш корхонада авария сабабли бахтсиз ҳодиса рўй берганлиги ҳақида хабар эшитилгандан кейин ҳам режадан ташқари йўриқнома ўтказилади.

Кундалик йўриқнома. Кундалик рухсатнома билан бажарилгидиган хавфли ишлар учун иш бошлашдан олдин ўтказилади. Бу йўриқнома ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот кундалик рухсатномага ёзиб қўйилади.

Саноат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тарғибот қилиш ва хавфсизлик техникаси йўриқномаларидан ўтказиш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш кабинети ташкил қилинади. Бу кабинетларнинг ҳажми машинасозлик саноатида ушбу корхонада меҳнат қилаётган ишчилар сонига қараб белгиланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш кабинетларидан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

Ишга янги кираётган ишчи ва хизматчиларни хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси бўйича йўриқномалардан ўтказиш, шунингдек, бу ерда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари талабаларини ишлаб чиқариш амалиёти вақтида кириш йўриқномасидан ўтказиш.

Хавфсизлик техникаси бўйича махсус билим талаб қиладиган ишларда меҳнат қилаётган ишчилар билан суҳбатлар ўтказиш, корхона бош муҳандиси томонидан тасдиқланган дастур бўйича муҳандис-техник ходимлар ва касаба уюшмаси фаоллари билан меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида семинарлар ўтказиш.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақидаги кинофильмлар намоиш қилиш, суҳбатлар ўтказиш ва маърузалар уюштириш.

Меҳнатни муҳофаза қилиш кабинети янги замонавий моделлар билан жиҳозланиши, кўргазмали куруллар (плакатлар, схемалар, макетлар, натурал экспонатлар, диафильмлар) билан таъминланиши ишчи ва хизматчиларни кириш йўриқномасидан отказиш ва муҳандис-техник ходимлар билан семинар ўтказишга керак бўладиган услубий кўргазмалар, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш маълумотномалари ва тарғиботнинг техник воситалари (кинопроектор, диапроектор, эпидиоскоп, филмоскоп ва бошқалар) билан жиҳозланиши, ўқиш-ўргатиш куруллари бўлиши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш кабинетдаги кўргазмали куруллар саноат корхонасининг ишлаб чиқариш хусусияти ва унда меҳнат қиладиган ишчилар сонига, шунингдек, келажакда ривожланиш ре-жасига боғлиқ. Ҳар қандай ҳолда ҳам меҳнатни муҳофаза қилиш кабинетида қуйидаги бўлимлар бўлиши шарт:

— умумий бўлим, бу бўлим меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма ишловчилар учун тааллуқли бўлган асосларидан ташкил топади. Бу бўлимга меҳнатни муҳофаза қилиш қонунлари, меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси, саноат корхоналарини шамоллатиш, саноат корхоналарини ёритиш масалалари, шовқин ва титирашдан сақланиш, шахсий муҳофаза воситалари, техника хавфсизлигини асосий воситалари, электр хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги;

— махсус бўлим, бунда хавфсизлик техникаси ва иш шароитини соғломлаштиришнинг асосий ишлаб чиқариш жараёнлари. бўйича акс эттирилиши, масалан, металлларга қирқиб ишлов бериш, металлга босим

билан ишлов бериш, электр ва газ билан пайвандлаш, саноатда хавфсиз иш олиб бориш назорати объектларини ишлатиш ва бошқалар.

Кабинет иш режаларини ва экспонатлар таркибини корхона бош муҳандиси тасдиқлаши керак.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва нормалари, шунингдек меҳнат қилиш қонуниятларини бажарилиши таъминлаш учун умумий ва махсус давлат назорат ташкилотлари ташкил қилинган.

Ҳамма вазирликлар бирлашмалар кузатишнинг олий маҳкамаси Ўзбекистон Республика прокуратураси ҳисобланади. Прокуратура маҳкамалари қонуниятнинг бузилмаслигининг олий назоратини режа билан меҳнаткашларнинг арзи асосида ёки корхона ва айрим шахсларнинг сигналлари асосида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажарилаётганлигини текшириш йўли билан амалга оширадилар.

Прокуратура умумий назорат тартибида текшириш натижаларида аниқланган камчиликларни АЁҚШ раҳбар ходимларидан тезда бартараф қилишни талаб қилади, раҳбар ходимларга мурожаат қилади. Агар жиноят содир бўлганлиги аниқланса (хавфсизлик техникаси қоидаси жиноий бузилган бўлса), раҳбар ходимларни жиноий жавобгарликка тортади. Прокуратура ўлим билан тугаган, оғир ва группа (бир неча киши) билан бахтсиз ҳодисага учраган ҳолатларни мустақил текшириш ўтказди.

Меҳнат қонуниятлари бузилмаслигининг умумий назоратини меҳнаткашлар депутатлари кенгаши ва уларнинг ижроия комитетлари ҳам амалга оширади.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг махсус Давлат назорати ташкилотларига қуйидагилар киради:

1. Касаба уюшмасининг техник назорати;
2. Ўзбекистон Республикасининг саноатда хавфсиз иш олиб бориш назорати ва кон назорати Давлат комитети (Республика Госгортехнадзори);
3. Санитар назорати;

4. Энергетика назорати;
5. Ёнғинга қарши кураш назорати;
6. Жамоат назорати;

Касаба уюшмасининг назорати. Ҳар бир саноат корхонасига касаба уюшмасининг техник назоратчиси бириктириб қўйилган. У корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини кузатиб турувчи давлат назоратчиси ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари қаторига бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олишни корхона маъмурияти томонидан тўғри олиб борилаётганлигини кузатиб бориш, ўлим билан тугаган, ҳамда оғир ва группа билан бахтсиз ҳодисага учраган ҳолларни текширишга қатнашади ва текшириш материаллари бўйича бахтсиз ҳодисага айбдор бўлганлар ҳақидаги маълумотларни, айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида текшириш органларига жўнатади. Касаба уюшмасининг техник назоратчиси янги ускуналарни ва янги корхоналарни қабул қилиш номенклатура чора-тадбирларини амалга оширилишини кузатиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг саноатда хавфсиз иш олиб бориш назорати ва кон назорати Давлат Қўмитаси (Госгортехнадзор).

Госгортехнадзор кон, маъдан саноати, нефть казиб чиқариш, металлургия, геология-қидирув назоратидан ташқари, 70 кПа (0,7 атм)дан ортиқ босимда ишлайдиган буғ қозонлари ва идишларни, 115⁰С дан ортиқ ҳароратга эга бўлган сув иситиш қозонлари, буғ ва иссиқ сув ўтказиш қувурлари, юк кўтариш кранлари, лифтлар, эскалаторлар, осма йўллар ишларини назорат қилади. Шунингдек, улар қозон ва кўтариш қурилмаларини ҳисобга олади, фойдаланиш учун рухсат беради, техник жиҳатдан хизматга яроқли эканини тасдиқлайди.

Республика гостехнадзор ташкилотлари капитал қурилиш корхоналарини ва янги саноат ускуналарини қабул қилиш ва фойдаланиш учун топширишда давлат комиссияси қаторида қатнашади.

Назорат олиб бораётган корхонада юз берган ўлим билан тугаган, оғир ва группа билан юз берган бахтсиз ҳодисаларни текширишда қатнашади.

Санитар назорати. Давлат санитар назорати Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазир санитар-эпидемиология хизматлари орқали амалга оширилади. Санитар назоратининг асосий вазифаси ташқи муҳитни (сув ҳавзалари, тупроқ, атмосфера) саноат чиқиндилари билан ифлосланмаслигини кузатиб боради, шунингдек саноат корхоналарининг санитар-гигиеник ҳолатини ва касб касалликларининг келиб чиқмаслиги чора-тадбирларини амалга оширади.

СЭС ходимлари капитал қурилиш муассасаларини қабул қилишда катнашади, саноат корхоналарида касб касалликлари ва захарланишлари ҳолларини текширади ва маъмурият билан бирга уларни йўқотиш, олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Энергетика назорати. Давлат энергетика назорати энергетика ва электрлаштириш саноати вазир томонидан амалга оширилади. Уларнинг асосий вазифаси электр ва иссиқлик қурилмаларидан тўғри фойдаланишни кузатиш ва уларнинг хавфсиз ишлатилишни таъминлаш борасида ишлаб чиқариш чора – тадбирларини амалга оширилишини кузатиб боришдан иборат.

Ёнғин хавфсизлиги олдини олиш назорат органи. Ёнғин хавфсизлиги назорати Республика Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш Бош бошқармаси ва маҳаллий органлар зиммасига юклатилган.

Маҳаллий бошқарув органлари ва ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимлари ҳамда ёнғинга қарши курашувчи қисмлар, ўзлари хизмат кўрсатадиган саноат корхоналарининг ҳамма объектларида ёнғинга қарши чора-тадбирларнинг бажарилишини, ёнғинга қарши кураш олиб боровчи хизматчиларнинг тайёрлигини, корхонадаги ёнғинни ўчириш воситаларининг ишга яроқлилигини ва янги ишлаб чиқариш корхоналарини лойиҳалаганда ёнғин хавфсизлигига риоя қилинаётганлигини кузатиш йўли билан назорат қилиб боради. Ёнғин чиқмаслиги чораларини таъминлайди.

Назорат вазифаларини амалга ошириш. Йўл қўйилган камчиликларни тузатиш ҳамда айбдорларга жазо чораларини белгилаш мақсадида юқорида кўрсатилган назорат ташкилотлари қўйидаги ҳуқуқларга эгадирлар.

1. Куннинг хохлаган вақтида саноат корхонаси майдонига ҳеч қандай қаршиликсиз кириш, хохлаган қисмини кўздан кечириш.

2. Маъмурият ва цех ходимларидан меҳнатни муҳофаза қилишга, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат қилиш шароитини яхшилашга таалукли бўлган ҳужжат, маълумотнома ва бошқа материалларни талаб қилиб олиш, йўл қўйилган камчиликлар бўлган тақдирда уларга маъмурият ходимларининг эътибор беришларини талаб қилиш.

3. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларини бажаришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш учун маъмурият ва баъзи бир раҳбар шахсларга кўрсатмалар бериш ва уларни бартараф қилиш муддатларини белгилаш.

4. Иш олиб борилаётган майдонларда ишчиларнинг ҳаёти учун хавфли бўлган омиллар, айрим машина ва механизм жароҳатланишга олиб келиши ёки шу чегарада ишлаш натижасида ишчи бирор касб касаллилига чалиниб қолиши эҳтимоли бўлса, ишни тўхтатиши, агар зарурият туғилса, иш олиб бораётган корхонанинг ишини тўхтатиши мумкин.

5. Меҳнат қонуниятларини, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси мезон ва қоидаларини ва жамоа битимида кўрсатилган иш шароитини соғломлаштириш чора – тадбирларини ўз вақтида бажармаган маъмурият ходимларини жавобгарликка тортиш.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг жамоат назорати меҳнат қонунлари, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси норма ва қоидаларининг бажарилишини кузатиб боради, шунингдек саноат корхонасида бахтсиз ҳодисаларининг келиб чиқишини ва касб касалликларининг камайишини таъминловчи чора – тадбирларни амалга оширилаётганлигини назорат қилади. Жумладан, ишлаб чиқариш жихозлари ва қурилмаларининг созланганлигини, ишчиларнинг махсус кийим-бош, махсус оёқ кийими,

шахсий муҳофаза воситалари билан таъминланганлигини, махсус овқатларни ўз вақтида берилиши (агар лозим бўлса), сут ва совун билан таъминлаш, иш кунининг давом этиш соатлари, дам олиш кунлари ва меҳнат татилларини ўз вақтида берилиши, танаффуслар, аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан тўғри фойдаланиш ва бошқалар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиялари ва жамоат инспекторларининг бажарадиган ишларининг таркиби касаба уюшмаси томонидан тасдиқланган қарорлар билан белгиланган.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг жамоат назоратини олиб бораётган шахсларга ва ташкилотларга нисбатан маъмуриятнинг асосий вазифаси назорат қилувчи шахсларнинг таклифларини қўллаб қувватлаш ва уларнинг ишларини амалга оширишни тезлатиш ҳамда ёрдам кўрсатишдан иборат.

Маъмуриятнинг касба уюшмаси ташкилоти билан биргаликда олиб бораётган унумли назорат усулларида бири уч босқичли назорат усулидир: *биринчи босқич* иш жойларида, *иккинчи босқич* цехда ва *учинчи босқич* бутун завод бўйича. Бу сул касаба уюшмаси активи билан маъмурият ўртасидаги меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини иш жойига татбиқ қилиш, меҳнат қилиш маданиятини яхшилаш ва иш олиб боришлари имконияттини яратди. Бунда хавфсизлик даражасини хавфсизлик коэффиценти орқали баҳолаш мумкин бўлади.

Назоратнинг *биринчи босқичини* мастер меҳнатни муҳофаза қилиш жамоат инспектори ва график бўйича навбатчи ўз-ўзини назора қилувчи ишчи билан биргаликда ўтказади. Улар иш бошлангунга қадар ишчилар билан меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида, тўсиқ қурилмаларининг борлиги ва тўғрилигини текширадилар. Аниқланган камчиликлар тузатилади.

Иш давомида улар ишчиларнинг технологик ҳужжатларга хавфсизлик техникасининг қўлланмаларига риоя қилаётганликларини кузатиб бордилар, шунингдек ишчиларнинг иш жойларига, йўлка ва ўтиш жойларига, ҳаво муҳитининг тозалигига, иш жойларини ёритилиш масалаларига эътибор берадилар. Ҳамма кузатилган камчиликлар ҳамда ишчилар томонидан

киритилган таклиф ва мулоҳазалар айрим журналга ёзиб қўйилади. Мастер аниқланган камчиликларни йўқотиш чора-тадбирларини кўради. Ўзи йўқотиши мумкин бўлмаган баъзи бир камчиликларни йўқотиш чора-тадбирларини кўриш илтимос билан цех бошлиғига мурожаат қилади. Тартиб бузарларнинг фамилияларини ва бузилган тартибнинг моҳиятини мастер тартиб бузганлик учун тутилган дафтарга ёзиб қўяди ва бу ҳақда тартиб бузувчини огоҳлантиради. Ҳар қандай тартиб бузарлик ҳолатлари кейинги смена бошланиши олдида ўтказиладиган йўриқномада муҳокама қилиниши шарт.

Назоратнинг *иккинчи босқичини* ҳар ҳафтада жавобгар раҳбар ходим касаба уюшмаси, цех қўмитаси раиси ёки цех қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиясининг раиси билан бирга цех техника хизмати ходимлари иштирокида амалга оширади. Улар цех тармоқларини айланиб, цехдаги меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини кўздан кечирадilar, олдинги галда белгиланган ва биринчи босқич назорати томонидан аниқланиб белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилганлигини кузатади. Ҳамма аниқланган камчиликлар ва бажарилмаган чора-тадбирлар, шунингдек ишчиларнинг таклифлари цех журнаliga ёзиб қўйилади. Кўрик ўтказиб бўлингандан кейин тартиб бузиш сабаблари муҳокама қилинади, аниқлик киритилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланади, бажарувчи шахслар ва бажариш муддати белгиланади. Цех комитети меҳнатини муҳофаза қилиш комиссияси ва жамоат инспекторлари орқали кўзда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиб туради.

Назоратнинг *учинчи босқичини* саноат корхонасининг бош инженери, завод қўмитаси раиси, хавфсизлик техникаси хизмати бошлиғи (хавфсизлик техникаси инженери), бош механик, корхона бош энергетика, корхона тиббиёт бўлими бошлиғи, цех врачлари амалга оширади. Улар цехларнинг махсус график бўйича ойига бир марта айланиб чиқади, биринчи ва иккинчи босқич бўйича ўтказилган назорат натижаларини текшириб чиқади, цехда ҳал қилмаган хавфсизлик техникасининг жароҳатланишга олиб келиши

мумкин бўлган ҳолатларини аниқлайди. Аниқланган камчиликларни тузатиш учун чора-тадбирлар белгилайди, цехда меҳнат маданиятини юксалтириш воситаларини белгилайди.

Текшириш натижаси мажлисда муҳокама қилинади, ишлаб чиқариш бўлимлари раҳбарларининг камчиликларни тугатиш борасидаги олиб бораётган ишлари ҳақида ҳисоботлар тингланади, жавоат инспекторлари ҳал қилинмаган меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини ўртага ташлайдилар. Мажлис хулосаси асосида корхона раҳбари томонидан корхона бўйича буйруқ чиқарилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида ҳавфсизликни ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш жараёндаги ҳавфсизликнинг умумий талабалари ГОСТ 12.3.002- 75 асосида белгиланади. «СОБТ. Ишлаб чиқариш жараёни ҳавфсизликнинг умумий талабалари».

Ишлаб чиқариш жараёндаги ҳавфсизликни таъминлаш умумий комплекс лойиҳа масала технологик жараён давомида олиб боришади, ишни операғиялар ва жиҳозларни катта билан жойлашиши; ишлаб чиқариш хоналари ёки ташқи майдони; ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни жойлашишлари; сақлаш шароитлари ва чиқиш материалларни юклаш, тайёрлаш, хом ашё тайёр маҳсулот ва чиқариш чиқими; ишловчиларнинг ҳавфсизлик шароити; инсон ва жиҳоз ўртасида меҳнат оғирлик юкини тўғри таъминлаш жуда катта аҳамиятга эга, шунингдек олий даражадаги танлов ва ишчиларни ўқитиш. Ишлаб чиқариш жараёнида ёнғли ва портлаш ҳавфсизлиги бўлади ҳамда атроф муҳитни заҳарли моддалар ташландиғи билан ифлослантирмаслик керак.

Корхонадаги технологик жараён ҳар хилдир, аммо улардаги талаб бир хил, улардаги ҳавфсизликни рўёбга чиқариш қуйидигиларда кўрсатилган:

-заҳарли чиқинди маҳсулотлари, ярим таёёр маҳсулот, таёёр маҳсулот ва ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ишлайдиган ишчиларга кам зарар етказиш керак

-технологик жарайён ва операғия алмаштириш ишлаб чиқариш факторидаги зарарли ва ҳавфли ҳолатини йўқ қилади.

-комплекс механизациялашни, автоматизацияни шу ҳолда алмаштириш керакки, қачонки захарли ҳавфли ишлаб чиқариш факторини йўқотиб бўлган ҳолда.

-Умумий ишларни ҳимоя қилишда мосламаларни қўллаш;

-Муракаб кўп босқичли жараёндан, кам ёки бир босқичли жарёнга ўтиш;

-Ўзгариб турадиган жараёндан, ўзгармас жарёнга ўтиш;

-Ишлаб чиқариш жараёндаги ишчиларга моддий зарар етмаслиги учун контрол системаси ва технологик жарёнини бошқаришни қўллаш керак;

-Ҳавфли ва захарли ишлаб чиқариш факторидаги технологик операғияларни таъминлаш учун технологик қўлланади.

-Ишлаб чиқариш факторидаги захарли спихофизиологик шароитни огоҳлантириш мақсадида рағионал ишлаш режими ва дам олиш қўлланилади:

Юқоридаги талабларни бажариш натижасида ҳозирги вақтда анча ютуқларга эгамиз. Мисол учун ишловчиларнинг моддалар ишловчи ҳар бир технологик жараёнига радиоактив изотоп, ҳамда атом энергиясидан зарарлаши амалда кўрсатилган.

Кам ёки босқичли жараёнидаги ҳавфсизликни бошқариш автоматизацияда ҳавфли операғияларни тезроқ четланишига олиб келади. Технологик жараёнидаги ҳавфсизликка узлуксиз ўтиши катта аҳамиятга эга. Химия ва нефтехимия саноатидаги узлукли жараён ҳар бир технологик жараёндан сўнг ҳавога ҳавфли ёқилғи ва портловчи моддаларни ажратиб чиқаради.

Шунингдек узлукли жараёндалиги бошқарувга олиб келади. Технологик жараёндаги ҳавфсизликни оширишда қуйидагиларга

-Яроқсиз қисимларни очиқ майдонларга олиб чиқадилар.

Технологик жараёнида қисмларни тўғри жойлаштириш ва ишчиларни жойларини тўғри ҳал қилиш уларнинг ҳавфсизлигини таъминлайди, жиҳозларни жойлаштириш вақтида лойҳада кўрсатилганидек ҳар бир

жиҳозларнинг орасидаги масофа ишлаш учун қулайлик яратиш керак, шунингдек иш вақтида назорат олиб бориш гуруҳлари учун ҳам қулай бўлиши шарт.

Автоматизация- АЁҚШларда автомобил ёқилғиларини қуйилиши, сотилиши ва сақланиши жараёнидаги энг илғор технолгиядир, у илғари инсон қўли билан бажариладиган вазифаларни ускуналар билан алмаштиришдир. Автоматизация ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат унумдорлигини оширишда, чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга. Бир вақтининг ўзида автоматизация механик жараёнидаги ҳавфсизликни таъминлаб, ишлаб чиқаришдаги умумий меҳнат шароитини яхшилади ва маданиятни оширади. Ишлаб чиқариш автоматизация 3 қисмдан иборат:

1. Қисман автоматизациялашган;
2. Комплекс автоматизациялашган;
3. Бутунлай автоматизациялашган;

- Қисман автоматизация деганида ишлаб чиқариш жараёнида бир ёки бир неча тармоқларнинг авторматизациялашгани тушунилади. Бу бошқарув тез жараёнда олиб борилади ва инсон ҳаёти учун ҳавфли.

- Комплекс автоматизациялашда - ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳамма тармоқлар узвий боғлиқ бўлган автоматик комплексда ҳаракат қилади. Комплекс автоматизациялаш юқори даражадаги жиҳоз бўлиб, унинг ҳаракатини бошқаришни инсон комплекс бошқариб боради.

- Бутунлай автоматизациялар - инсон томондан бошқариб бориладиган жараён бутунлай машинага юкланади. Оператор йўл қўядиган ҳатоларни бу машина умуман йўл қўймайди. Механизациялаш ва автоматизациялаш ҳозирги вақтда ҳар бир саноатда қўлланилади. Уларнинг ривожланиши кейинги вақтда илмий техник жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқариш саноатида қўлланиладиган жиҳозлар, машина ва аппаратларнинг ҳаракат конструкцияси ва ўлчамлари ҳар хил, уларнинг умумий талаблари ишлаш жараёнидаги ҳавфсизлигини таъминлайди. Бу

талаблар қуйидагича: ГОСТОТОООО кўрсатилган. Ишлаб чиқариш жиҳозларининг ҳавфсиз ишлашида ҳаракатларнинг тўғри танлаш, конструктив схемасини, материаларнинг, ишчи жараёнини ва х.к.з.

- Механизация, автоматизация бошқарув ораликни энг юқори қисми;

- Конструкцияда қўлланиладиган алоҳида ҳимоя қисми;

- Техник хужжатларнинг ҳавфсизлигини тузишда уларнинг йиғиш, ишлатиш, тузатиш, улаш, юклаш, сақланиши ҳисобга олинади.

Жиҳозларни ишлатиш жараёнида атроф муҳитни зарарли моддалар билан ифлослантормаслик нормадан ошиб кетмаслиги керак.

Жиҳозларни лойҳалаш вақтида уларнинг намликдан сақланиши, қуёш радиацияси, механик тебраниши, юқори ва пасти босим даражаси, агрессив моддалар шамол босимларидан сақлаш ҳисобга олинади. Умумий конструктив талаблар қуйидагилардан иборат:

Жиҳозлардаги материаллар ҳавфли ва зарарли бўлмаслиги керак. Янги материалар гигиеник ва портловчи эмаслигини текшириш. Ҳаракат қилувчи жиҳозларни ҳавфли қисмларни ҳимоя воситалари билан чегаралаб қўйиш керак. Кўрилган жиҳозлар ишлаш хоналарни зарарли моддалар билан зарарланишидан сақлаш, ҳар хил нурланишларга қарши мосламалар ўрнатилиши керак. Жиҳозлардаги конструкциялар улардаги шовқинларни, улқтратовушларни камайитиришни меъёрлаштириб туриш керак. Ўрнатилган жиҳозларда ишлаётган ишчи жиҳозни қирралари, бурчаклари ҳалақит бермаслиги керак, улар исиб ёки совиб кетмаслиги ҳам керак. Жиҳозларни нормал ишлаши учун сигнализағия ўрнатилади, агар иш режими бузилса у ўз ўзидан автоматик равишда ўчиб қолади. жиҳозлардаги ҳамма ишчи органларнинг ўз ўзидан ўчиб қолишни олдини олувчи мосламалар бўлиши керак. Жиҳозларда ишлаётган ишчини электр токидан сақлаш керак. Жиҳозларни бошқариш органлари қуйидаги талабларга мос келиши керак.

- Маълум формада;

- Ишлаш учун уларнинг ҳажмий ва баландлиги қулай бўлиши керак.

- Уларни алмаштириш ва жойлаштириш шароити ҳисобга олинади.

-Стандартдан ошмаслиги керак.

-Ўз ўзидан ҳаракатга келиш ва ўз ўзидан ўчиб қолиш характери йўқ қилиш:

Бошқариш органларини конструкциясида улардан тўғри фойдаланиш учун схемалар ёки ёзувлари бўлиши керак. Авария органларининг ўчиргичлари /кнопкалар ва ричаклари/ қизил рангда бўлиши ва уни бошқараётган одам учун тушунарли бўлиши керак. Ҳимоя воситаси ўз функциясини бетўхтов бажариши ёки ҳавфли зонада ишловчи ишчининг бориши билан ишлаб кетиши. Ҳимоя ҳаракати ҳар доим давом этиши керак, чунки ишлаб чиқариш фактори ҳавфли ва зарарли ҳаракатлар мавжуд. Ҳимоя воситасини таъминлаш ва назорат қилиш осон бўлиши керак. Уларни таъминлашда автомат контрол қилинади. Ҳамма ҳимоя воситалари осон очилиши ва ёпилиши керак. Бизнинг мамлакатимизда қуйидаги стандартлар қўлланади:

-Алоҳида жиҳоз гуруҳлари учун ССБТ /ГОСТ 12.2.003-74/

Масалан: метал қирқувчи станокларга /ГОСТ 12.2.009-80/

-Дарахтни қайта ишловчи қурилмалар /ГОСТ 1.2.026-77/, /ГОСТ 12.2.026.17-80/

-Енгил саноат учун қурилмаларга /ГОСТ 12.2.005-75/

-Электротехник маҳсулотларга /ГОСТ 12.2.007.0-75, ГОСТ 12.2.007.14-75/

-Компрест қурилмалари /ГОСТ 12.2.016-81/

-Юк кўтарувчи кранларга /ГОСТ12.2.058-81, ГОСТ12.2.060-81/, /ГОСТ 12.2.065-81, ГОСТ 12.2.074-82/ ва бошқалар.

/ГОСТ 12.2.049-80/ умумий иш жойларда, уларнинг бошқариш органларида қўланилади.

ХУЛОСА

Автомобиль ёқилғилари билан савдо қилувчи субъектлар фаолиятини аудит қилиш масалаларини назарий ва амалий жихатдан ўрганиш қуйидаги хулосаларни қилишга ҳамда таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди.

1. Мамлакатимизда миллий автомобиль саноатини борган сари ривожланиши, аҳоли ва ташкилотлапр ихтиёридаги автомобилларнинг кўпайиб бориши уларни автомобиль ёқилғилари билан ўз вақтида таъминлашдек муҳим вазифани қўймоқда. Ушбу вазифани бажаришда автомобиль ёқилғилари билан савдо қилувчи субъектларнинг роли бекиёсдир. Уларнинг асосий мақсади аҳолига ва корхоналарга автомобил ёқилғилари (бензин, солярка, керосин, сиқилган ва суюлтирилган газ) ва ёғлаш мойларини сотиш бўйича сервис хизматларни кўрсатиш ҳисобланади. Ушбу турдаги корхоналар ўзига хос савдо корхоналари ҳамда солиқ тўловчилари ҳамдир. Улар ўз фаолиятида савдо тартибларини, лицензиялаштириш ва лицензия талабларини қатъий амалга оширишлари лозим корхоналар ҳисобланади. Бу хусусиятлар уларни ўзига хос ҳисоб ва аудит субъектлари сифатида ҳам тавсифлайди.

2. Президентимиз томонидан 2013 йил учун белгиланган ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларига бевосита тегишли бўлган вазифаларни тўлиқ ва беками-кўст бажарилиши бунга имкон берувчи барча дастаклар ҳамда воситаларни, чунончи аудиторлик хизматларини ҳам такомиллаштиришни тақозо қилади. Бундай хизматлар АЁҚШлар учун ҳам ўта зарурдир.

3. АЁҚШлар фаолияти аудитининг хусусиятлари даврий адабиётларда етарлича ёритилмасдан олмоқда. АЁҚШларнинг хусусий мулк шаклига эга эканлиги ва қонун ҳужжатларига кўра улар фаолиятини аудиторлик текширувларидан ўтказиш мажбурий бўлмаганлиги сабабли улар

аудиторлик хизматларидан етарлича фойдаланмасдан келмоқдалар. Айрим АЁҚШларда ўтказилган аудиторлик текширувлари улар учун аудиторлик текширувларининг ўта ката самара беришини кўрсатмоқда. Бу айниқса уларнинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган савдо фаолияти, солиққа тортиш масалаларида ёрқин ўз ифодасини топомқда.

4. Амалиётда АЁҚШлар фаолияти аудитининг режаси ва дастурлари кенг қўлланилмасдан қолмоқда. Шу боис ишимизда АЁҚШлар фаолияти хусусиятларига мос бўлган режа ва дастурларни ишлаб чиқилди.

5. АЁҚШлар фаолияти негизини автомобиль ёқилғиларини сотиб олиш ва сотиш ташкил этади. Шунингдек АЁҚШлар ўзига хос солиқ тўловчилар бўлиб ҳисобланади. Улар тўлайдиган истеъмол солиғини бошқа корхоналар тўламайдилар. Ишимизда товар операциялари, автомобиль ёқилғиларини сотишдан оинган даромадлар, уларни солиққа тортилишини аудиторлик текширувидан ўтказиш тартиблари очиб берилди. Бунда «Комил-Ишонч» аудиторлик ташкилоти аудиторлари томонидан кенг қўлланилаётган тажриба асос қилиб олинди.

6. Ўтказилган аудиторлик текширувлари бўйича тузилган аудиторлик ҳисоботларини ўрганиш аудиторлик ташкилотлари учун ҳам маълум тавсияларни бериш зарурати борлигини кўрсатди. Булар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

*автомобиль ёқилғиларини сотиш ҳажмини унинг турлари бўйича ва солиққа тортилиши талабларига жавоб берувчи счетлар тизимини қўллаш орқали ҳисобини юритишга доир тавсиялар;

*автомобиль ёқилғилари сотиш таннархини ўртача баҳоларда ҳисоб – китоб қилишга доир тавсиялар;

*текшириш натижалари бўйича бериладиган тавсияларни имкон қадар аниқроқ бериш ва асослаш.

*аудиторлик текширувларини ўтказишда олдинги берилган тавсиялар ижросини текшириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Расмий материаллар

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Жамоат фонлари тўғрисида»,
3. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Хайрия тўғрисида»,
4. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида»,
5. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»,
6. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти кафолатлари тўғрисида»
7. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»,
8. Ўзбекистон Республикаси «Туризм тўғрисида»
9. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. - Ташкент, 2008.
10. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан еўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» тўғрисидаги **№ ПС-907 02.07.2008** йилдаги Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги қарори ПҚ-615 - сонли 2007 йил 4 апрел.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

13. «Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида»ги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 апрелдаги қарори билан тасдиқланган.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги 365-сонли қарори.-Т.: «Халқ сўзи», 2000 й, 26 сентябрь.

15.«Корхоналарда ички аудиторлик хизмати тугрисида»ги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябр 215-сонли қарори билан тасдиқланган.

16. Молия вазирлигининг Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги Низом 2007 йил 18 июлда 977-3 – сон билан рўйхатга олинган.

17. Молия вазирлигининг Аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида Низоми Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 сентябрда 1709 – сон билан рўйхатга олинган.

18. Молия вазирлигининг “Аудиторлик ташкилотлари фаолияти тўғрисида маълумотлар” шакли ва уни тўлдириш бўйича қоидалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 29 ноябрда 1744 – сон билан рўйхатга олинган.

Президент Ислом Каримов асарлари ва сўзлаган нутклари

19. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўдини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

20. Каримов И. А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш - тараққиёт гарови. // «Туркистон» газетаси, 2001 йил 18 июль.

21. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2011. – 53-б.

22.Каримов И.А. «2014 йил – юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади». Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йил мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.

23.Каримов И.А. Жахон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш уллари ва чоралари. - Т.: «Ўзбекистон», 2009.

Илмий монография, ўқув кулланма ва дарсликлар.

24. Абдуллаев Р. А. Бухгалтерский учет и аудит. Т.: 2011.

25.Андреев В.Д. Практический аудит. М.: Экономика, 1995.

26.Аренс А., Лоббек Д.Ж. Аудит. Пер. с англ. под. ред. проф. Я.В. Соколова, - М.: Финансы и статистика, 1995.

27.Барышников Н.П. Организация и методика проведение общего аудита. Москва - 1998.

28.Грачева М.Е. Международные стандарты аудита (МСА): Учебное пособие. - М.: Издательство ПРИОР, 2005. - 100 стр.

29. Волжин И.О, Ергашбоев В.В.. Финансовый анализ. Методическое пособие. – Т.: «Мир экономики и права», 1998. – 8-бет

30. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.

31. Ионова А.Ф., Селезнова Н.Н. Финансовый анализ: Учебник.- М: Изд-во Проспект, 2007. – 389-б.

32. Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: «Молия», 2003.

33. Уразов К.Б. Бухгалтерия молиявий ҳисоби. –Самарқанд, 2012.

34. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 2003.

35.Шеремет А.Д. Аудит. – М.: Финансы и статистика, 1996

36.Шеремет А.Д.. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия: Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 279-б.

37.Шешукова Т.Г. Аудит: теория и практика применения международных стандартов. Учебное пособие. - М.: «Финансы и статистика», 2005.

VIII.Хорижий нашрлар

38. J.L Boockholdt “Accounting information system” Fourth edition USA. IRVIN 1996

39. Robert N and others “Accounting Principles” USA. IRVIN 1998

40 .Engler C and others “Advanced Accounting” Third edition USA. IRVIN 1993

41 .Bernstein L and others “Financial statement Analysis” USA. IRVIN Mc-Hill 1997

42. Hermanson R.H and others “Accounting a business perspectives” sixth edition USA. IRVIN 1995

X. Веб – сайтлар

www.cer.uz

www.world-tourism.org

www.revieew.uz

www.aicpa.org

W.W.W. ngo. uz

